Стратегик ва минтақаларро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

Миллий Тиклаиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 9 июл | 27 (56)- сон

ШАРПАЛАР ҒОЙИБ БЎЛМОҚДА

МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ЙИЛИМИЗ ДУНЁГА КЕЛГАН ГЎДАКЛАР МАНА БЕШ ЁШГА ТЎЛДИ, — ДЕДИ ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ. — МЕН УЛАРНИНГ НАВҚИРОН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР БЎЛИБ ЎКТАМ, КЎРКАМ, ЭРКИН ВОЯГА ЕТИШЛАРИНИ ОРЗУ ҚИЛАМАН. УЛАР БУТУНЛАЙ БОШҚАЧА ОДАМЛАР, БОШҚАЧА АВЛОД БЎЛАДИЛАР. МЕНИНГ ЭНГ БУЮК ОРЗУЙИМ МАНА ШУ.

Тоталитар ва коммунистик қусурлардан мутлақо холи, эркин янги наслнинг вояга етиши — бу албатта, мустақилликнинг енгилмас куч-қудратга айланганлигининг далолатидир. Бу Ўзбекистон ва унинг халқи дунё ва қонот миқёсида тамомила янги мақомга кирганлиги, янги ўрин топганлиги, янги мавқени мустаҳкам эгаллаганлигини англатади.

Бунга эришмоқликнинг энг яхши, энг синалган йўли дунё миқёсида дўстлар орттирмоқликдир. Ишончли ҳамкорлар ишончли иттифоқчиларга айланадилар. Ўзаро тенг ҳамкорлик ва ўзаро тенг манфаатдорлик эскидан мерос бўлиб келаётган турли сиёсий ғаламисликларга қарши ишончли қалқон бўлади. Ўзаро тенг манфаатдорликка риоя қилинадиган ерда бошқа ҳамма зарур нарсаларга ҳам риоя қилинади. Мамлакатлар ўртасидаги узоқ ҳамкорликлар тарихи буни исботлаган.

Ўзбекистон бугун мана шундай ўзаро тенг ва ўзаро манфаатдор ҳамкорликларни ташқи сиёсатининг марказига қўйди ва бу йўлда жиддий, салмоқли қадамлар ташлашга эришмоқда. Кечагина Европа ва Америкада бўлиб ўтган юксак эътиборли учрашувлар бундан далолатдир.

Президент орзу қилган янги наслимизни фақат тинч ва тўғри тараққиёт заминида — тинчлик ва тўғри сиёсат изчил тарзда амалга оширила боргандагина вояга етказиш мумкин.

Президент орзу қилган ҳар жиҳатдан эркин ва ориф наслни фақат демократик қонунлар ва демократик ҳақ-ҳуқуқлар кучли илдиз отган заминдагина вояга етказиш мумкин.

Президент орзу қилган навқирон, енгилмас, қудратли наслни фақат кучли миллий маърифатчилик заминидагина вояга етказиш мумкин.

Демократик маърифати юрак-юракка, жон-жонга, томир-томирга сингигандагина тоталитаризм нуқсонлари ва коммунизм касалликларидан бутунлай холи авлод майдонга чиқади.

Мамлакат ички сиёсатининг бутун куч-қудрати, шаён-шавкати бугун ва эртага, узоқ келажагимизда шуни кўзда тутиб, шунга қаратилганлигина орзунинг реал жамоли намоён бўлади.

Демократия, эркинлик, бозор иқтисоди дунёда одамлар онгидан тобора мустаҳкамроқ ўрин олаётганлигини Россияда кўни кеча бўлиб ўтган президентлик сайловлари ҳам яққол кўрсатди.

Россия олдида президентлик сайлови баҳонасида тоталитаризм, коммунистик васвасаларми ёки демократия, эркин бозор иқтисодими? — деган масала бор бўй-басти билан гоз турди.

Тоталитаризм ва коммунистик васвасалардан инсоният шунчалар безиб, юрак олдириб қўйган эканки, дунё Россия сайлови жараёнларини худди омонлик ва тараққиёт учун бораётган курашдай кузатди ва шундай қабул қилди.

Коммунизм шунчалар хатарли ҳодиса экан, йигирманчи асрнинг сўнгида унга яна кимлар интилмоқда? — деган савол ҳам туғилади ва дунё мана шу сайловлар баҳонасида шу саволга ҳам жавоб излади.

Россиядаги сайловлар коммунизм ҳар қандай миллий тараққиётга мутлақо ёт, бегона эканлигини яна бир карра тўла исбот этди.

Сайловлар коммунизм гоялари остида бошқа мамлакатлар ва халқларни қарам қилиш, узига бўйсундириш, бир сўз билан айтганда, машъум империячилик майллари тўла жойлашиб, уя қуриб олганлигини кўрсатди.

Шунга кўра коммунизмнинг асл мақсади империячилик эканлигига эндиликда ҳеч кимда шубҳа қолмади.

Лекин жаноб Зюгановнинг қирқ фоизи коммунизм ва унинг ниқобида империяга интилаётганлар оз эмаслигини англатади.

Наҳотки йигирманчи асрнинг сўнгида, шунча аччиқ, ўкубатли, ўта фожиали тажрибалар ва сабоқлардан кейин ҳам коммунизмга интиладиганлар топилса? — деб ҳайрон бўлиш мумкин. Ҳозир бутун дунё шунинг устида фикр юритмоқда ва бунинг сабабларини қидирмоқда, изоҳламоқда.

Кўп оқил кишилар «коммунизм учун овоз берганлар — бунар энг қашшоқ, умидини «коммунизмнинг ялпи ва барчага баробар фаровонлиги»дан узмаган кишилар ҳамда коммунистик гояларнинг сароб жозибалари остида яна ҳокимият тепасига келиш, яна империяни тиклашга уринишни мақсад қилиб қўйганлардан иборат бўлди» деб изоҳламоқдалар. Коммунизм жозибасига лақиллашнинг сабаблари чуқурроқ бўлса керак. Лекин коммунизм гояси бу Россияда энг аввало ҳокимият учун ва қолаверса, собиқ империя учун кураш деган сўздир.

Лекин ҳамма бало шундаки, коммунизмнинг асосий йўқ. Унда на ижтимоий, на инсоний, на психологик бир реаллик бор. У тугал саробдир. Рост айтганлар: у тугал шарпадир. Хунук, совуқ шарпадир. Россияда шарпа енгилди. Соғлом ақл, соғлом қарашлар ғолиб чиқди. Одамлар сотсиал адолатга коммунизм орқали эмас, демократия воситасида эришиш йўлини танладилар.

Одамлар, бу адолатли йўл сизга қутлуғ бўлсин.

МУҲАРРИР

Пойтахт. Шоҳийўл шукуҳи.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

35 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ҲИСОБ ОЧИЛДИ

Мана, июл ойи кириб, юртимизда Президентимиз қароридан келиб чиққан ҳолда ажойиб тадбир самарали равишда амалга оширилмоқда. Республика фуқароларининг кўнглини кўтарган бу тадбир аҳолининг омонат кассаларида қолган пулларини индексатсиялаш. Республикамизнинг барча халқ банклари шаҳобчаларида одамлар гавжум. Мухбиримиз ана шу шаҳобчаларнинг айримларида бўлиб, банк хизматчилари ва оддий фуқаролар билан суҳбат уюштирди.

В. В. КИРИЛОВА, Миробод тумани Халқ банки филиали 14/0287 раиси:

— Биласизми, жуда катта иш амалга оширилди. Одамлар тўхтовсиз келиб туришибди. Кўпчилик одамлар ҳатто пулларини олишмаяпти. Биласизми, нима учун? Чунки пулларини сақласалар, бир йилдан сўнг 20 фоизга кўпайтириб оладилар. Бу эса ҳам қулай, ҳам оила бюжетига яхшигина улуш бўлади.

Олимжон ота ҲАСАНОВ, нафақахўр:

— Энди ўғлим, бу жуда ҳам яхши тадбир. Айниқса нафақахўрлар учун. Менинг ёшим бугун 70 га тўлди. Бу таваллуд кунимга ҳақиқий совға бўлди. Президентимизга раҳмат! Ҳамиша бор бўлсинлар, ҳудойим йўлларини равшан қилсин!

Ҳалима опа ОЧИЛОВА, кекса шифокор:

— Мен узоқ вақт давомида ўз меҳнатим билан йиққан жамғармани мана шу банкка топширган эдим. Инфлятсиядан сўнг кўнгил қурғур сал хиралашган эди. Пешонадан кўрамиз-да, деб қўювдим. Мана, худога шукр, ҳаммаси яхши бўп кетди. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Айрим одамлар «нега бир йилда бор-йўғи 10 фоиз беради» дейишмоқда. Ваҳоланки кечагина шу ҳам йўқ эди. Бундан ташқари бизнинг пулларимиз бари Москванинг ҳисобига ўтиб кетган бўлса.

Л. Н. НАБИЕВА,
3650/0139-сон Яккасарой халқ банки бўлими бошлиғи:

— Ажойиб тадбир, буни бошқача қилиб ифодалаб бўлмайди. Хизмат жойингизга келган одам сиздан миннатдор бўлиб, хурсанд кетса, кўнгил тоғдай кўтарилади. Ахир ҳаммамиз халқимиз учун хизмат қиламиз. Жуда кўп одамлар аввалига келиб ишонмайроқ бу ҳақда сўрадилар. Ижобий жавоб олганларидан кейин юзлари ёришди. Тўғрида, ахир ҳозирги шароитда бунча пулни топиш осонми?! Биз одам кўпайиб, узундан-узоқ навбат пайдо бўлса керак деб ўйлаган, айрим чоралар ҳам кўриб қўйган эдик. Ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди. Биринчи куни тахминан 200 га якин одам келди, кейинги куни эса 180, бугун эса ҳозиргача 153 та мижозга хизмат кўрсатдик.

Раҳимжон УСМОНОВ, ногирон:

— Кўриб турибсиз, ногиронман, даволаниш, дори олиш учун пул керак. Ҳозир ҳамма дори бор: «Фармед», «Жўрабек» деган дорихоналарга борсангиз, кифоя. Лекин бироз қиммат. Мана, энди шу пулларимга бемалол дори олиб даволанаман. Худо хоҳласа, соғайиб кетсам, мустақиллик байрами куни ана шу ўзимизнинг катта майдонда, Президентимиз шарафига ўйнаб бераман. Раҳмат уларга, чин юракдан раҳмат!..

Республикамизнинг ҳамма банк шаҳобчаларида ана шундай хурсандчилик кайфияти. Одамлар бир дақиқа бўлса-да, турмуш ташвишларини унутиб, енгил нафас олиб энди ҳаммаси яхши бўлади, раҳмат Президентга, деган сўзларни қайта-қайта таъкидлашмоқда. Албатта, бу тадбир ҳукуматимизнинг халқимизга бўлган ғамхўрлигидан бир нишона холос. Лекин ана шу тадбир барча юртдошларимиз юрагини қувончга тўлдирмоқда, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

А. БЕКМУРОДОВ тайёрлади

Ислоҳотлар ойнаси

Қуйганёрнинг кет-гўпи ва шарбати

Андижон тумани вилоятнинг жуғрофий жуда қулай, темир ва автомобил йўллари ўтган ерига жойлашган. Саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалиги яхшигина ривожланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда бозор муносабатлари кенгайиб, ривожланган хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар қурилиши ва ишга туширилиши тезлашмоқда.

Районда 6 та саноат корхонаси ишлаб турибди. Улар шу йилнинг беш ойида 201 миллион 770 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 144 миллион сўмга кўп. 9 та қурилиш-монтаж ташкилоти эса беш ойда 96 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини бажарди. 1995 йилнинг беш ойига нисбатан 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари кўпроқ бажарилди.

Шу кеча-кундузда 6 қўшма корхона битказилди. Уларнинг 5 таси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётир. Улар орасида энг кенжаси Италия, Британия ҳамда Россия билан ҳамкорликда қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқараётган Куйганёр консерва заводидир. Комплекс-механизатсиялашган заводда сифатли томат пастаси ва «Тян-Шан» номли минерал сув тайёрланади.

Куйганёр шаҳарчасида ишга туширилган консерва заводи бир кеча-кундузда 900 тонна помидорни қабул қилиб, қайта ишламоқда. Томат пастасига зира ва зирк қўшилиб, хушбўй «Кетчуп» тайёрланаётир. Жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган пластмасса идишларга бир соатда 1500 та «Кетчуп» қуйилади. «Кетчуп» инглизча сўз бўлиб, ўзбекчасига «қайла»га тўғри келади, яъни помидор қайласи. Уни қуюқ ва суюқ овқатларга солиш, нонга суркаб истеъмол қилиш мумкин. Бу ерда 200 миллион сўмлик маҳсулотни чет эл валюталарига сотишга икки томонлама шартнома тузилди.

Италиянинг «Февко» фирмасидан келтирилган асбоблар ёрдамида 0,25 ва 0,5 литрли идишлар ва унинг қопқоқлари тайёрланади. Бу кичик дастгоҳнинг иш қуввати соатига 2000 дона идиш ва қопқоқ тайёрлашга қодир. Бу ишлар Отабек Собиров ва Ойбек Сирожиддиновлар бошқараётган дастгоҳларда тайёрланмоқда.

Шу заводнинг бир хонасига Ўзбекистон — Британия — Россия қўшма корхонаси антиқа ускуна ўрнатиб ишга туширди. Бу дастгоҳ Британиянинг «Вихмаури» фирмасидан келтирилган. Замонавий пресловчи ва пувловчи жиҳозлар 8 соатли иш кунида 16 мингта пластмасса идишлар тайёрлайди. Бир вақтнинг ўзида уларни ювиб, шифобахш булоқлардан келтирилган сувни қадоқлаб, меъёрида газ қўшилади. Қопқоқларни қотириб, ёрлиғини ёпиштиради. Полиэтилин плёнкалардан қилинган яшикларсимон идишларга 6 донадан қилиб жойлайди. Бу мураккаб жараёнда фақат 3 та оператор иштирок этади.

Ичимлик сувнинг идишлари 500, 1000 ва 1500 граммлик бўлиб, бу маҳсулот Фарғона водийси вилоятлари, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухородаги фуқароларнинг талаб-истакларига жуда мос тушмоқда. Завод дарвозаси ёнида минерал сув сотиб олишга келган автомобиллар турнақатор бўлиб турмоқда.

Куйганёр консерва заводида ишга туширилган ҳар иккала корхона юқори самара билан ишламоқда. Бу Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ғалабасига бир дебочадир.

Бу завод мавсумий эмас, йил давомида узлуксиз ишлайди. Умуман туман марказидан 150 нафар йигит-қизларни иш билан таъминлаш имкониятларини берди.

Завод сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларда, фуқароларнинг шахсий томорқаларида етиштирилган помидорларни тўхтовсиз қабул қилишга тайёрланди. Ўтган йиллари Андижон консерва заводи помидорни қабул қилишга улгурмай, суткалаб навбат кутиларди. Шу туфайли маҳсулотнинг анчагина қисми транспортда нобуд бўлар, сифати бузилар эди. Куйганёрда ишга туширилган завод Избоскан, Пахтаобод, Баликчи районлари сабзавоткорлари ишини ҳам енгиллаштиради. Улар Андижон консерва заводига шаҳар оралаб бормай, яқингина Куйганёр заводига маҳсулотларини топшириш имкониятига эга бўлдилар.

Корхона жамоаси (директори Миробид Маҳмудов) янада юксалиш сари дадил одимламоқда. Бу ерда хорижда малака ошириб келган қўли гул мутахассислар энг замонавий анжомларни моҳирлик билан бошқармоқда. 2000 йилга борганда заводнинг лойиҳадаги қуввати тўла ўзлаштирилади. Шунда йилига бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлади.

Завод маъмурияти район ҳокимлиги билан ҳамкорликда помидорнинг серҳосил ва табиий офатларга чидамли навларини топиш чораларини кўрмоқда. Ҳозирнинг ўзида «Исроил» ва «Хиндистон» навли уруғлар Охунбобоев, Чўлпон номидаги хўжаликларнинг илғор бригадалари далаларида синаб кўрилмоқда.

Завод ҳудудида узум ва мева шарбати тайёрлайдиган, уни болаларбоп қилиб қадоқлайдиган дастгоҳни ишга тушириш режалаштирилди. Яқин келгусида болалар Куйганёрда тайёрланган мазали мева ва узум шарбатларидан баҳраманд бўладилар.

Ваҳобжон ДАДАБОЕВ,
Андижон райони ҳокимлиги қошидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат нозири

УЙҒОНИШ

Ҳафтада икки бора уйғонгим келади:
Дунёнинг шовқини экан авжида.
Ўғлим, сен ҳам бир боғ
уйғонib кўрсин,
Одамлар арига дахшаткан жуда...
Уйғонib қарасам: бозорга шошар,
Ғиналиб одамлар ҳар ерда тўп-тўп.
Ари уясига айланар шаҳар,
Олди-сотди ҳақда баҳс қилишар ҳўп.
Уйғонib қарасам энди кўзлаб
Айланар савдонинг селобасига,
Пул тиша бас,дема, айланib қара
Ажиб китобларнинг мўҳровасига,
Менинг кўксимда ҳам битта юрак бор,
Битта чаман бор, битта ҳаёт бор,
Менинг юрагимда ари ниш урган,
Бир парча заҳар бор, битта фарёд бор,
Нега менг ётлаб ётаётирлар,
Арилар нектсиз билмас сеймакни? —
Фақат бозор томон ўлаётирлар,
У ерда сотишмас... ахир юракни.

Ҳафтада икки бора уйғонгим келади,
Оппоқлик қиладиг тунининг тароғи,
Бутунги умрим бўйи қийнайди энди
Уйғонish азоби, ўйқу азоби.

ҚАЁҚҚА ШОШАМИЗ



Тикондан гул сўраб қизармадик ҳеч,
Тунинг юрагини сўрди арилар.
Далага сатини ёйди ой-ҳеч,
Ҳазтраз болаги мазон парилар.

Дунёда не гаплар... ҳали билмадик —
Келалар тўлгонib ёнқи осмонлар.
Ҳеч бир ғамхўрлик билгар қилмадик,
Юртни сўқрати қилди шайтонлар.

Кўнглимиз онанинг сутидай тоза,
Онанинг бағридай кўнглимиз кенгдир,
Лекин қайнашди елкамиз роса:
Орзу ўйларимиз тоғларга тенгдир.

Йиллар ўтадилар солиб гуздрос,
Ҳозирда ҳаловат билмай яшаймиз.
Нафасни ростлашга пайт топиб бироз
Ўйлаймиз: — қаёққа... ахир шошамиз?

Дунёда не гаплар ... кўпда билмадик,
Ойдин келаларни кўпди осмонлар,
Ҳеч бир ғамхўрлик билгар қилмадик,
Қилиб бўлган эди барин шайтонлар...

Хосият РУСТАМОВА

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» — БУГУН ВА КЕЛАЖАКНИКИ

«Мактабгача тарбия» журнали негизида ташкил этилган «Соғлом авлод учун» журналининг нашр этила бошлаганига ҳали йил тўлгани йўқ. Шундан бўлса керак, журнал билан кўпчилик мухлислар эҳтимол ҳали таниш эмасдирлар. «Соғлом авлод учун» қандай журнал?

Шу савол баҳона журналнинг янги — 3-4 сонини варақлаб чиқайлик. «Соғлом авлод учун» эндигина уч марта мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Аввало, журналнинг ўзига хос, турли-туман рукнлари диққатингизни тортади: «Алола», «Карвон қўнғироғи», «Жийда гули», «Ватаннома», «Алпомиш авлодлари», «Амир Темур иқлими», «Сусамбил»... Ҳаммаси асл сўзлар.

Журналнинг дастлабки саҳифаларидан сўнг Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг янги шеърлари, журналист Карим Ҳакимўғлининг «Келгуси авлодлардан олинган омонат» мақоласи ўрин олган.

Муаллиф бунда экология, атроф-муҳит муҳофазаси, жумладан, тириклик манбаи — сув, ичимлик суви, унинг озаяётган миқдори, атрофга, инсонга, келажакка таъсири ҳақида илмий далилларга асосланиб, куюнчаклик билан фикр юритган.

Нажмиддин Абу Ҳафс Насафийнинг «Қандийя» китобидан «Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний» номли парча берилган. Таржимон Наим Норқулов «Қандийя» билан дийдорлашув» дебочасида муаллиф ва унинг бу асари ҳақида батафсил маълумотлар келтирган.

«Эл ичида юрган одам» номли мақолада водиллик Турсунали полвон ҳақида ҳикоя қилинади. Журналда яна бир жозибали асар мавжуд. Бу Ибн Синонинг «Баҳманёр ал-Озарбойжоний билан мунозара» сидир. Журналхон бунда Шайх ур-Раъиснинг фалсафий-ирфоний ёзишма-баҳсларидан бири билан танишади.

Бундан ташқари тарихчи Маҳкам Абдураимовнинг ўзбек олимларидан биринчи бўлиб 1948 йилда Санкт-Петербургда ёқлаган номзодлик ишидан олинган «Амир Темур ва Қамариддин мухорабаси» тарихий мақоласи қизиқиш уйғотади.

Биз журналда бу каби мағзи тўқ мақолалардан кўпини санаб ўтишимиз мумкин. Бироқ муҳими журнал ўз олдига соғлом келажак яратишдек шарафли мақсадни қўйган. Ўйлаймизки, ўз саҳифаларида бу мақсад йўлига ойдинлик киритаяпти.

Биз журналнинг янги сонини ўқиб шундай фикрга келдик. «Соғлом авлод учун» республиканинг барча газета тарқатиш шаҳобчаларида сотилмоқда.

Б. ПИРНАФАСОВ

ГУЗАР ЮРТНИ БЕЗАР

Андижон туманида «Гузар юртни безар» мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Хартум қишлоғи ўрамида ўтган кўргазмали семинар қатнашчилари «Жаҳонобод» маҳалласида «Маҳалла, мактаб ва оила» ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Сўнг «Жевачи» маҳалласида бўлдилар. «Жевачи» ва «Жаҳонобод» маҳаллалари болаларининг соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кунининг 660 йиллигига бағишланган кўрик танлов беллашувини томоша қилдилар. Сўнг Ёрбоши қишлоғидаги «Экин-тикин» маҳалласида иш ўринлари яратилиши ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўргандилар. Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини амалга оширишда эришилган ютуқларнинг гувоҳи бўлдилар.

«Экин-текин» маҳалласи гузари ҳаммага маъқул ва манзур бўлди. Қишлоқда кичик саноат корхоналари барпо этиш борасида катта ташкилотчилик қилинмоқда.

Ж. ТУРДИЕВ
Андижон тумани

Тәхрон тажаллиси

Тәхрон бепоён шаҳар экан. Мен дўсту биродарлар билан бирга бир ҳафта Тәхронда бўлдим. Илгари Тәхрон ҳақида китоблар ўқиганман, сайёҳ дўстларимнинг ҳикояларини тинглаганман. Менда Тәхронни кўриш ҳаваси болаликдан юрагимга ўрнашган эди. Бунга чамаси Козимийнинг «Қўрқинчли Тәхрон» асарини жуда эрта ўқиганим бўлса керак.

Бегона ер — бегона мамлакатга дастлаб қадам қўйганда, одам худди мастга, тўғрироғи, мастонага ўхшаб қолади. Балки одамнинг кўзлари шунчалар кўп янгилик ва янги таассуротларни бирданига сиғдиролмаса, ўзлаштиролмаса, ўзлаштиришга қийналса керак.

Балки бу Худонинг чексиз тарзда мусаввирлигидандир. У бутун коинотни ва унинг бир зарраси бўлган заминни худди мусаввир каби яратди ва шакл-шамойил берди. Бу дунёнинг ҳар бўёғи мўъжиза ва ҳар чизиғи ва ҳар ўйнаб юрган зарраси мўъжиза.

Мен Тәхронни мўъжиза каби томоша қилдим. Боя бегона ер — бегона мамлакат деган сўзларни айтдим. Балки саҳв этдим. Айтсам, ишонасизми? Эронда мен бир зум ўзимни бегона сезмадим. Бу ерда менга ҳеч нарса бегона, ёт бўлиб кўринмади. Ётлик туймадим. Ҳатто эркак ва хотин-қизларнинг қора либосларга бурканиб юришлари, аёлларнинг бошдан оёқ ҳижобга чулғанишларидан ҳам мисол учун шахсан ўзимга бегона бир нима сезмадим. Ўсмирлик чоғларимда атрофимда фақат ял-ял шоҳи-атлас кийган ўзбек қиз-жувонларини кўрардим, дўппилар издиҳомлари ичра юрардим. Ҳар бир халқнинг ўз кийиниши мароми бўлади. Биз чаман либосларни ёқтирганда, Эронда қора салобатли ва ўта жиддий рангни маъқул кўришади. Либосларда ҳам миллатни миллат қилиб турадиган алланима салоҳият бор. Либослар маълум маънода миллатга мансубликни англатади, маълум маънода эса миллатни бирлаштириб туради.

ХХ аср халқларининг бир-бирлари билан маданий борди-келдилари кучайиб, либослар бир томондан, универсаллик касб этиб ва иккинчи жиҳатдан миллийлик, ўзига хослик кучайди. Бош кийим ўрнида яхши тарошланган соч, костюм, бўйинбоғ — шундай универсаллашишнинг нишоналаридир. Шарқ мамлакатларида ва айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Индонезия, Араб мамлакатлари, Марказий Осиёда шундай ажиб бир тарзда универсаллашиш ва ундан ҳам ажиб тарзда миллийлашиш ҳодисалари тобора тараққийда эканлигини кўрмоқдамиз. Бу инсоният маданиятлари миллий ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда тобора яқинлашиб боради. Лекин қоришиб кетмайди. Миллийлик ўзига хос ҳодиса — жозибадор ҳодиса каби тараққиёт жараёнида сақланиб қолади.

Эрон аёллари ҳижобни ва қора рангларни ёқтирсалар, бундан ажабланмаслик керак. Бунга миллий ўзига хосликни сақлашга интилиш деб қараш тўғрироқ бўлади. Фақат бунда ўз хоҳиши, эрки, майлларига қарши иш тутмаса ёки шунга мажбур этилмаса, бас.

* * *

Майнинг охири эди. Ҳавопаймо оғир булутларни шиддат билан ёриб ўтиб, Тәхрон ерига қўнди. Тәхрон осмонида кучли шамол Каспийдан сувга тўйиб келаётган вазмин қора булутларни шопирарди. Мен шунда осмон бепоён тегирмонга ўхшашини ўйладим. Ҳазрати шамол тегирмончи эди. У булутларни шитоб билан ҳайдар ва улар Тәхроннинг ташна ерига оби ҳаёт бўлиб сочиларди. Тайёрадан тушишимиз биланоқ юзларимизга шатирлаб қаттиқ ёмғир урилди. Шамол булутларни элайди ва ёмғир қут бўлиб ёғади Тәхрон ерига. Шамол бир зум тўзон кўтарди Тәхрон кўчаларида ва ёмғир ҳам бир зумда бу тўзонларни босди. Тәхрон кўчасига қадам қўйганимизда кеч тушган эди. Замонавий юксак бинолар оралаб боғлар, боғотлар тез-тез кўзга ташланар, унда-мунда боғлар ҳатто пахса деворлар билан ўралган эди.

Тәхроннинг шимолидаги «Эстеқлол» меҳмонхонасига етиб келганимизда тез оқшом тушди, хуфтон қоронғулиги ёйилди ва кўкка ярқираб ой кўтарилди.

Бу ярқирорқ ой ҳам, бир зум ёмғир севалаб ўтган булутлар ҳам, боғу боғотлар ҳам худди шаҳри Шоҳдаги каби эди.

Бизни бегона қиладиган дунёда нима бор?

Мафкураларми?

Мафкураларнинг ранг-баранглигими?

Бир-бирига уларнинг ўхшамаслигими?

Нима бор ўзи бизни бир-бирларимиздан бегона қиладиган?

Либослар ўртасидаги фарқларми бизни бегона қилади?

Лекин либос эътиқод белгиси бўлоладими? Либослар жуда узоқ борганда, миллийлик белгиси бўлолиши мумкин.

Аммо Худонинг каломи — калом, ва ундан ортиқроқ лазиз нарса йўқ, яъни: энг яхши либос тақво либосидир.

Тақво либоси! Қанчалар гўзал ва поёнсиз доноликка эга калом бу! Қолган барча либослар — улар қандай бўлмасин, — фақат тақво либоси бўлгандагина қимматга эгадир. Тақво исматдир. Ва исматдан ортиқ одамнинг ожизлиги, ялангочлиги, бу дунёга либоссиз келиши ва либоссиз кетишини оқлайдиган нима бор экан?

* * *

Ўзбекистоннинг гўзал ва ғоятда шинам Тәхрондаги элчихонаси ҳовлисида, ҳовлидаги ям-яшил баҳорий майсазорда бир туп анор ял-ял гуллаб ётганлигини кўрдим. Анор ниҳоли ҳали ёш ва қаддиқомати яхши парваришланганидан мавзун эди.

Қирмизи гуллари яшил ўтлоққа ажиб бир шуъалар таратиб турган бу нозим анор худди ўзбек халқи яратган гўзал халқ достонларига ўхшарди. Бу анор тупига кўзим тушди-ю, худо ҳақи достон! — дедим. Ва ўз халқим яратган достонлардан шунчалар кўнглимда ифтихор туйдим. Анорнинг ҳар бир гули ва зумрад япроқлари достонларнинг қўшиқлари ва гўзал фасллари, бандларини англатарди.

Элчихона ҳовлисига киргандаёқ шу анор тупига кўзим тушди. Бу ерда бундан ҳам муҳташамроқ ниҳоллар, анвойи гуллар бор эди. Бундан ҳам эҳтимол муҳташамроқ нарсалар бор эди табиий. Лекин кўзимни илкис шу қирмиз ниҳол, қирмиз гуллар ўзига тортди. Ўз гўзаллиги билан ром қилди. Улар менга шаҳар ташқарисидаги боғимда шу кунларда ғунчалаб ётган анор тупларини эслатди.

Улар ажиб тарзда бир-бирига ўхшаш эди. Мен ўйлайманки, мевалари ҳам ажиб тарзда бири бировига ўхшайди. Ва пишганда, тишласангиз, юзингизга лазиз шарбатларни сочиб юборади.

Бизни бегона қиладиган нима бор дунёда?

Ҳатто анорларимиз ҳам бир хил гуллайди ва бир лазиз сершарбат мевалар тугади.

* * *

Эронда жуда кадимлардан Имом Хусайн ҳазратларини зўр эътиқод билан ёдлайдилар. Имом Хусайн ёди Эрон миллатига эътиқодий бир куч-қувват бахш этиб турғандай бўлади. Мана бу улуғ хотирага Имом Хумайний ҳазратларининг муборак хотиралари зам бўлди. Икки улуғ имом эътиқоди асрлар оша учрашиб, бир-биридан эътиқодий куч олди, бир-бирига эътиқодий куч бахш этди. Эронда ашуро маданияти кунлари жуда катта ва тийран байрам қилинади. Биз бу байрам ва бу эътиқоднинг қўламини кўрдик. Байрамлар иймонга-иймон қуввати ва ибога-ибо қуввати, саломга салом қувватини ато этса, бу байрамдан яхшироқ нима бор?

Байрамлар бизни бегона қиладими?

Байрамларда бегоналик йўқ.

Миллий байрамлар инсоният байрамларининг кўрки.

Мен Тәхрон университетининг ҳовлисида бир туп

жийда гуллаб ётганлиги ва гулларини аста тўка бошлаганлигини кўрдим.

— Қадрдоним, омонмисан? Салом! Салом! — деб саломлашдим бу Тәхрон университетида гуллаган ва эртага ажиб бир лазиз мевалар тугадиган азамат жийдага. Унинг сарғиш гулчалари оламни ўз муаттар ислари ила маст қилмоқчига ўхшарди.

Мунчалар мастонасан, эй Тәхрон жийдаси!

Сен Тошкентда менинг Тешикқопқоқ деб аталган қадим маҳалламда, унинг кўча бўйларида шу кезлар гуркираб ётган жийдаларга нақадар ўхшайсан!

Биродарларинг Тошкентда гуллаб ётадирлар. Сен эса Тәхронда гуллаб ётасан! Тәхрон толибларининг димоқларини найим ҳидларинг билан қитиқлайсан.

Имом Хусайн ҳазратларининг ёди учун айтилаётган жаҳон уламоларининг фалсафаларини тўла англаб етмоқчи бўлгандай нукра-нукра баргларингни Тәхроннинг кечки сўлим шабадасида силкитасан.

Сенинг нукра баргларингдан оламга нуқравий мусаффо ранглар таралаётгандай ва олам ўз мафкуравий ғашликларидан тозаланаётгандай бўлади.

Сени экканнинг умри узун бўлсин, эй Тәхрон жийдаси!

Ва ҳеч қачон оламда нукра шукуҳинг камаймасин!

Абадий шундай шукуҳ ва гўзаллик ва ҳаётнинг жозиб нафасини таратиб тур, эй Тәхрон жийдаси! Эй, Тошкент жийдалари биродари!

Ғарб бошқача микёслар, бошқача қўламлар, бошқача реалликларида фикрлайди.

Шарқнинг фикрлаш тарзи бошқача қўламлар, бошқача микёслар касб этади.

Оламга исломий нигоҳ билан қарайдилар.
Оламга насроний нигоҳ билан боқадилар.
Оламга буддоий кўз ташлайдилар...

Лекин бизга бу нигоҳларни ким бахш айлаган?

Бизга ёлғиз воҳид эгамнинг ўзи ато этмаганми бу нигоҳлар, бу ранг-баранг қарашларни?

Улар бир-биридан фарқланса, шу асосда бизни бир-биримиздан бегона қилиши керакми? Мумкинми!

Мен бошқа нигоҳни меникига ўхшамаганлиги учун ёмон кўришим, ундан нафратланишим керакми? Кимга керак?

Нигоҳларимиз ҳар турли эканлигини тан олган ҳолда бир-биримизни тушуниш, англашга интилганимиз яхши эмасми?

Нигоҳлар бизни айириши керакми?

Йўқ, нигоҳлар бизни доим яқинлаштириши керак.

Биз қарашларимизда яқинлик топайлик ва доим яқинлик топишга интилайлик. Бизни ягона Аллоҳ яратди ва ягона Аллоҳ ўз ҳузурига чақирар.

Агар ўйлаб кўрсак, қарашларимизда яқинлик кўп. Биз шу яқинликлардан муҳаббатлар туғилишига сайъ-ҳаракатлар қилайлик.

Қон тўкишлар, низолар ҳеч нарсани тўғри ҳал қилмаслигини инсоният тарихи ҳам, кўп аламли фоижаларга гувоҳ тақдири ҳам тўла исботлади. Ўз исботини топган ҳодисаларга ақлли одамлар яна қайта бошдан қайта-қайта исбот қидириб ўтирмайдилар.

Эронда исломий тафаккур ўзига хос. Исломий маданият ўзига хос.

Исломий давлат тажрибаси ўзига хос. Бир нарса жуда сезилади:

Эрон келажак ҳақида кўп фикрлаяпти. Жиддий фикрлаяпти.

Мен фақат бир нарсани орзу қиламан. Йигирманчи асрнинг сўнггида дунёда тамомила янги воқелик, янги руҳий борлиқ вужудга келди. Дунёда озод мамлакатларнинг овозлари баралла эшитилмоқда.

Ана шу озод мамлакатлар, истиқлолга эришган, уни қўлга киритган мамлакатлар энди бир-бирларига мафкуравий таъсирлар кўрсатиш устида эмас, бутун куч-салоҳиятларини иқтисодий тараққиёт, иқтисодий муносабатларга равнақ беришга қаратишлари зарур.

Буюк неъмат — истиқлол. У бизни тарафкашликларга эмас, яқинликларга, тенг манфаатли муносабатларга, яхшиликларда мададкорликка бошлаб борсин. Иншоаллоҳ!

* * *

Тәхрон бепоён шаҳар экан. 2 июн эди.. Тонг саҳарда Тәхрон булбулининг садосини эшитдим. У меҳмонхона ортидаги боғда тўлиқиб-тошиб сайрарди. Булбулнинг шу нозик, лекин ўта кучли навоси улуғ Тәхроннинг нақадар гувиллаган шовқинларини босиб кетарди. Миллионлаб моторлардан чиққан гулдуросларни шу нозик ва нафис, бениҳоя ўткир овоз — Тәхрон булбулининг овози енгиб ўтаётгандай эди.

Тәхрон булбулининг куйи Дўрмон булбулларининг куйларига нақадар яқин ва оҳангдош эди. Мен Дўрмон булбулларини беҳад севаман. Мана, тонгга ўз шукуҳини бахш этиб Тәхрон булбуллари ҳам маст бўлиб сайрамоқда. Мен Тәхрон булбулларини ҳам севиб қолдим. Неча кунлардан бери Тәхронда булбул йўқмикин дердим. Унинг овозини эшитишни соғинардим. Мана, Худо соғинчимга кўшиш берди. Тәхрон булбулининг овози юрагимга тўлди. Булбул куйларида Тәхрон мангуликнинг тажаллийсини топаётгандай эди.

АНАТОМИЯ

Дунё оқил бир вужуд
Азалдан мавжуд
Худудлар ичра йўқ одамдан
кўра маҳдуд
Тәхронда Элбрўз тоғи чўқиларида тўшалган оппоқ гиламларга қараб одам тўймайди
зерикмайди одам
ва дунёнинг вужуд эканлигини ҳис қилади.
Чотқол тизмаларига менгққзайман
Элбрўзни
Гарчи Чотқол баландроқ
қорлироқ ваҳималироқ
ва ўзлаштирилмаган Чотқол.
Элбрўзнинг эса то чўққиларигача уйлар
маданий маконлар
Тоғ тоғга ўхшамас балки маданий
маконга айланса
Лекин Элбрўз Тәхроннинг
ҳар нуқтасиданки намоён
эркалар унинг салқин жонбахш
еллари Тәхронни
Файзу шукуҳ бахш этар бу азамат
шаҳар кўчаларига
Июлнинг охири эриб кетар экан
у оппоқ муз гиламлар
Бир зум оқ саллаларини ечади Элбрўз
сўнг куздан яна қиш ичи оқ
гиламларини тўқийди Элбрўз.
Икки тоғнинг биқинида истиқомат
қилади Тәхрон.
Дунёнинг икки биқинида
жойлашган Турон ва Эрон
Шероз - буйрак, Самарқанд— буйрак
Тәхрон — юрак, Шошим ҳам юрак
Бошимиз Ҳулкар ичида Суҳайлдан
юксакроқ.
Кимдир айтар булар бари анатомия!
Муҳокамаларга сиғмасми анатомия!
Қачондан унутдик анатомияни
Нототения!
Билмайман недир
Балки чиғаноқ,
балки ҳилвираган бир чавоқ балиқ
балки ҳеч нарса
Ғарброқда Нетанияху
Боши берк кўча
Инсон—
Боши берк кўча
Анатомия
Сўзлар ўхшарлар сўзларга
Маънолари ўхшар маъноларига
Алп Эр Тўнга
Сиёвуш
Биқин! биқин!
Дунё биқинида мустаҳкам, шаддод
бошлари обод!
Бошлари обод!
Обод!

МУҲАРРАМ

Тўлин ой сеп ёзиб чиққанин кўрдим Тәхронда
Ажаб дерсиз:
ким кўрмаган тўлин ойни Тәхронда
Тўлин ойнинг оёғига чўзилиб ким ётмаган
Тәхронда!
Ким ўпмаган тўлин ойни
ташналаб ютоқиб Тәхронда
Муҳаррамнинг тўлин ойи забт этди.
гўдак каби тамшаниб эмдим унинг
ёлқинларини
Шаҳарлар, мамлакатлар, тоғлар узра қанчалаб
кўрдим тўлин ойларни
Бағримга тўлдирдим уларнинг файзу давлат
илҳомларини
Кўзимга тўлдирдим ойларнинг океан каби
қорачўқларини
Ойдан донолик сўрадим зумрамга
Онамнинг исми эди Муҳаррам
Қанчалар гўзал экан бу исм
Дунё ҳуррам кўринар менга
Ва чексиз унинг карами
Эрон ёд этар ўз ҳазратларини
Пўртанадек жўшар эҳтирослар
Эрон тўлғанар ва юксалар
мен онамни эсладим Тәхронда
эслатди онамни Тәхроннинг ойи
ҳамиша -
ой — қалқон
ой қалқон
одам бошига!
ойим, қалқоним - осмон.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ЯНГИ ДУНЁ ТАФАККУРИ

Ёзувчи қобилияти ва маҳорати унинг қанча ёзгани билан ўлчанмайди. Қобилият ўзига хос дунё ярата олиш санъатидир. Ҳақиқий ёзувчининг адабий дунёси ўз «мени» каби тугал, тўлақонли бўлади. Ёзувчи дунёси билан «мен»ни кўпол қиёслаганда тана ва юракка ўхшатиш мумкин. Бироқ бу ўхшатиш ҳам тугал эмас.

«Мен» фақат юрак эмас, у шу дунёнинг асосчиси ва маънавий ҳокими ҳамдир. Ташқи муҳит, ташқи олам «мен»га таъсир қилиб, унда акслнади. Аммо «мен» яратган дунё — бу ташқи оламнинг шунчаки инъикоси эмас, балки у қайта ишланган, қайта яратилган дунёдир. Ташқи оламни ўзига қабул қилган «мен» уни ниҳоятда индивидуаллаштиради, ўзига бўйсундиради, унга ўз изтиробидан, азоб-уқубатидан замин яратади, ташқи оламдан ўзгача, бошқа бир дунё пайдо қилади. Ташқи олам ва бу «дунё» ўртасидаги фарқ ёзувчи маҳорати, савияси, мақсади ва идеали билан ўлчанади.

Гўзалликни қабул қилиш ҳар қандай ғайрати сўнмаган одамнинг қўлидан келади, гўзаллик ҳаммани ҳайратга солиши мумкин, бироқ уни яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Гўзаллик ва «мен» ўртасидаги муносабат воқеликни тасвир этиш даражаси билан эмас, воқеликни ўзгартириш, уни ўзига ва ўз идеалига мослаштириш, ундаги инсон ҳақидаги изтироблари даражаси билан ўлчанади. Воқеликни тасвир этиш бу қобилият эмас, воқеликни яратиш қобилиятдир.

Бугун Шахсга нисбат беришга қурбимиз етадими? Шахснинг қандай фазилатлари бор ва уни биологик инсондан қандай фарқлаш мумкин, деган саволга жавоб топиш пайти келди. Илғор адабиётларда бу ҳақда баҳс аср бошларидаёқ тўхтаган, гарчи ҳозир ҳам олисдан келаётган қўнғироқ сасидек ўша баҳсларнинг садоси эшитилиб қолса ҳам, кўпгина адабиётларда бу ҳақда аллақачон баҳс юритмай қўйишган. Зеро, маълум нарса ҳақида баҳс қилиш вайсақиликдан бошқа нарса эмас.

Шахсни йўқ қилишга қаратилган ва узоқ давом этган коммунистик мафкура тан олиш керакки, фақат ҳаётдагина эмас, адабиётдаги шахсларни ҳам йўқ қилаёзди. Яқин ўтмишда биз бошдан кечирган маънавий таназзул нособит эътиқод, турланиш — барчаси шахссизлик оқибатидир. Ўша йиллар ички дунёмиз ҳам худди атайлаб вайрон қилинган шаҳардек эди. Сўзлар қайси бири самимий, қайси бири ночин ажратиш қийин эди. Шахс йўқ жойда биз ҳамиша маънавий харобликка, турланиб-тусланишларга дуч келдик.

Дарвоқе, шахсда фазилат бўлмайди, шахсда худди улкан иморатни кўтариб турган устундек улкан «Мен» бўлади. Балким, ана шунинг ўзи фазилатдир. Бугунги адабиётимизга энг зарур нарса, ана шу «Мен» керак! «Мен» йўқ жойда биологик махлуқ бўлади, деган эди Фрейд. «Мен»сиз адабиёт қуруқ ғоявий, мафкуравий либосдан бошқа нарса эмас.

Энди «Мен» ўз ғалабаси томон бораяпти. Шу сабабли ҳам адабиётда сукунат ҳукмрон. Шу сабабли ҳам, «Адабиёт ўладими?» деган муноза-ралар бўлиб ўтди.

Чўлпондан сўнгги адабиётда бизни ўзига «Мен»ининг кучлилиги ва қатъияти билан ром қилган, ҳурмат уйғотган асар ва шахсни орзу қилдик. Чинакам ёзувчи қандай бўлади, қандай бўлиши керак? — деган савол бизни ҳеч тарк этмади. Балки худбиндирмиз, бор нарсаларни тан олишни истамаётгандирмиз. Гап ёзувчини тан олиши ҳақида эмас. Гап ёзувчининг қандай шаҳс бўлиши кераклиги устида.

Ўтган шўро даври адабиёти ҳақида баҳс қилиш мумкин бўлган мавзу шунчалик кўпки, баҳслашаверсангиз, қизиқишингиз сўниб қолиши турган гап. Аммо бу давр фожиаси сўз санъати, адабиёт, адабиёт пайдо бўлган кундан бошлаб сўзнинг бош ва мангу интилиши бўлиб келган олий ҳақиқатдан инсонни таҳлил қилишдан юз ўгирганида, бўлди. Ғарб файласуфлари ва олимларининг аниқлашича, одамдаги энг заиф туйғу унинг адолатпарастлигидир. Жамиятда адолат ва тенглик ўрнатиш учун одамларни табақаларга, ижобий-салбийларга бўлиш учун асарлар ёзилди. Лекин охир-оқибат бу асарларнинг аксарияти ўқувчилар савиясини туширдигина эмас, айнан адолатсизликка ва тенгсизликка хизмат қилди, натижада А. Рюнносқэнинг «Жаҳаннам» ҳикоясидаги рассом чол ҳолига тушилди (Ҳикояда ўтда ёнаётган ва ўзи суратини чизаётган қиз ўзининг қизи эканлигини кейин англаб етади). Ўтмиш совет адабиётининг моҳияти шундай бўлганлигини бугун кўплар тан олади, тўғри, эътирофлар ҳам тўлиқ самимий эмас. Лекин ҳарқалай, шундай бўлса-да, бу даврда чинакам адабиёт яратиш ғоятда оғир бўлгани ва унга имкон берилмаганлигини онда-сонда бўлса ҳам ўзимизга ўзимиз эслатиб қўяяпмиз.

Адабиёт инсон руҳиятини таҳлил қилувчи фан экан, тоталитаризм ҳеч қачон ўз қуллари — фуқаролар руҳиятини таҳлил қилишга йўл қўймасди ва қолипга солинган адабиёт руҳида тарбия олган, суякларимиз шу руҳда қотган бизлар ҳам инсондан ҳали этилган адабиётдан ва унинг асоратидан ҳали-бери воз кечолмасак керак. Энг оғир томони шундаки, собиқ совет адабиётидаги ҳукмрон тушунчаларнинг емирилиши ва ҳақиқий сўзга қайтиш даврида — «перестройка»да адабиётга сўзбозлик, «жўн ватанпарварлик» кириб келди-ки, бизга бирмунча вақт ана шу касалликларни даволаш учун овора бўлишга тўғри келади.

Шахсан менга шундай туюлдики, ҳозир яратилаётган «сўфийлар» ва «тарихчилар» баъзан шу даражада ялангочки, ўқиб туриб, ўзингиз худди кийимсиз кўча кезиб юргандай хижолатда қоласиз. Бу ҳол бор-йўғи ялангоч мавзупарастликдир. Мажбур бўлганда собиқ замон билан мослашдик, унинг ноғорасини чалдик, адабиётнинг олий вазифасидан воз кечдик, қарор ва қоидаларга мослаб асар ёздик. Бироқ мен ҳали бирор ёзувчининг бундан чинакам хижолат бўлганини, чин дилдан тазарру қилганини кўрганим йўқ; хавотирли жойи шундаки, кечаги баъзи мавзупарастлар, кечаги қарорпарастлар бугуннинг мавзусига мослашмоқда ва адабиёт яна чеккада қолиб, роману ҳикоялар бугуннинг мавзуси — «сўфипарастлиги» билан тўлмоқда. «Мен»сизликнинг қобилияти шундаки, у ҳар қандай замонга тез мослашади ва унинг ноғорасозига айланади.

Яқинда телевидениеда бир шоир узундан-узун шеър ўқиди. Шоирга қараб туриб бу шеър гарчи «авангард» йўлида тўқилган бўлса-да, лекин кечаги кунларнинг латталарга ёзиб идора пештахталарига осиб қўядиган шиорларидан ҳеч фарқи йўқ эди. Шунда «мен» адабиётга қанчалар зарурлигини яна бир карра англадим.

Жойсдан кейин ўтган авлоднинг таниқли ёзувчисида Жойснинг «Мен»и сезилиб туради. Буни барча машҳур ёзувчилар эътироф этганлар. Ёки туркий адабиётларда Чингиз Айтматовнинг таъсирини сезмаган ким бор? Бизда Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғуломнинг шундай таъсири ҳақида сўйлаш мумкин. Ўз эътиқоди, қатъияти, сўзга содиқлиги билан ўзидан кейинги авлодга ўрнак бўладиган ёзувчи-миллатнинг, унинг маданиятининг бахти.

Психоаналитикларнинг аниқлашича, «кумир», яъни идеал дея билиш ва интилиш гарчи бу инсон онгли фаолиятининг дастлабки босқичига хос бўлса-да, инсон фаолиятини фаоллаштиради, маълум мақсадга йўналтиради. Шарқда эса ўз илоҳий қудрати, билими билангина эмас, яшаш тарзи, эътиқоди билан ҳам сабоқ бўлган кишиларни «пир» деб, уларга қўл берганлар. Ўз эътиқоди йўлида ўлимга тик борган пирлар ҳақида биз бугун уйғониш даврида ўйлаяпмиз, улар эришган ёки эришиши мумкин бўлган фаолият кўламларини чамалаб кўраяпмиз. Беҳбудий, Мунаввар қориларни мутолаа қилаяпмиз. Бўшлиқлар тўлиб боргандек бўлаяпти.

Коммунизм берган, «Олий мақсадлар» ва «йўлбошчилар» қулади. Тарихимиз саҳнасига асл шахслар кўтариляпти.

Ф. Кафка аср бошида сиёсий алғов-далғовлар, ҳокимият талашишлар, инсоннинг қадри бўлмаган қонунлар, инсонни ҳақорат қилишга қурилган матбуот, қулликка асосланган система, инсондан махлуқ яратадиган мафқурадан қочиб, бир умр ёлғизликда, деярли узлатда яшади. Фолкнер ўзининг ички «Мен»ини сақлаб қолиш, жамиятга хос бўлган ифлосликлардан, фаҳшдан ўзини ҳимоя қилиш учун умрини отлар, ҳайвонлар, табиат билан бирга ўтказди. Пруст ташқи шовқинлардан ҳоли бўлиш учун уйини қалин пардалару, деворлар билан ўраб олди. Сартр, Камю... ўз қалблари, шуурларига, ички «Мен»ларига ёлғонни киритмадилар. Зеро чинакам ёзувчи ёлғонни фош этиш учун, ундан инсонни ва унинг қалбини асраб қолиш учун ўз умрини сарфлайди. Ёзувчи қалби бекорга юнон нотиқлари тилида илоҳият нури тушган қалб деб аталмаган. Бу илоҳий қалб озгина нопоклик, озгина хиёнат, озгина адолатсизлик, озгина алдов юз бериши билан титраб кетади ва ўзининг изтироб рамзи бўлган сўзлари билан бузилган, алдонган дунёни поклашга киришади. Шунинг учун ҳам, Фолкнер «Ёзувчининг орзуси — унинг озодлигидир», — деган эди. Бу орзуни худди Исо ўз эътиқодини қаётга алмашмаганидек, ҳеч нарсага алмашмайди.

Қодирий ва Чўлпонда ҳам ҳеч нарсага алмашмайдиган нималардир бор эди. Улар қаттол коммунистик мафкура тазйиқида турланиб, тусланишдан воз кечдилар. Шахсларини таназзулдан асраб қололдилар.

Биз уйғониш пирлари билан фахрланамиз. Эҳтимол вақти келиб улар таъсирида эндиги замонларнинг улкан «Мен»лари пайдо бўлар — бу орзумизга бугунги озодлик замин яратмадими? Атрофимизда қанча ажойиб номлар бор. Уларнинг ижтимоий фаоллиги, истиқлолий етуклиги ШАХСлар пайдо бўлишининг гаровидир.

Ҳаёт ва адабиёт биздан чинакам истеъдодларни ва «Мен»ларни талаб қилмоқда. Чунки у бизнинг «Мен» имизга қараб эртанги кунини яратади. «Мен»га ва шахсга ташналик бугун — ўз ичимизни тозалаш, поклаш даражасига етди. Бу кураш абадийдир. «Мен» ички дунёнинг тўлиқлигидир. Фақат бўш идишгагина ҳоҳлаган нарсани солишингиз мумкин. Ички бўшлиқ — маънавий таназзулнинг майдони. Ички ариси бўш одам... — жуда хатарли. Унинг нималарга тайёрлигини билиш қийин эмас. Бу шахс шакланмаганлиги оқибати.

Ўз кучига ва ўзига ишонмасликдан заифлик пайдо бўлади. «Мен» шу маънода ўзига ишонч ҳамдир.

Ўзига ишонмаган одам, ёхуд «Мен»и шакланмаган одам — ички ариси забт этилган, ҳеч бўлмаса забт этилиши арафасидаги одамдир. Ички дунёнинг мустамлакаси қулликнинг, нари борса мутеликнинг ички кўринишидир. Шунинг учун «Мен» ва мустамлака, «Мен» ва тоталитаризм, «Мен» ва ёлғон келиша олмайди. Фақат мустаҳкам «Мен»гина реал воқеликни ёзувчининг маҳорат олами билан боғлай олади. Юзакиликка ўрганган тасаввурларни ёриб ўтиб, ўзининг эътиқод, гўзаллик дунёсини яратади. Дард ва изтиробдан, инсонга бўлган шафқатдан юзага келган бу дунё янги адабиётга, янгиланажак адабиётга хос дунёдир. Янги дунё «Мен» янгиланган сайин Сўз ҳам, Адабиёт ҳам, Одамлар ҳам янгиланиб боради.

Янгиланаётган дунё — покланаётган дунёдир. Янги адабиёт — янги сўз, янги тил деганигина эмас, балки янги дунё, янги изтироб, янги тафаккур дегани ҳамдир.

Назар ЭШОНҚУЛ

— Ушласаммикан?..
— Тишласаммикан?..

М.НУРИНБОЕВ олган сурат

МАРҒИЛОНДА АЛЛАЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўтган ойнинг сўнгги кунлари Марғилонда «Алла» ижрочилари республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Танловда Фарғонанинг Бешариқ тумани маданий уйининг фолклорчилар дастаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Бу муваффақиятга туман маданият бўлими мудири Р. Жўраев, маданият уйи раҳбари Х. Матғозиев, халқ ижодиёти ва маданияти маркази ходимлари Ш. Йўлдошев, Ғ. Маматқулов, алла ижрочилари Ш. Турсуматова, Х. Санчиловаларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Асосий эътиборни халқимизнинг мумтоз меросига қаратаётган Бешариқ тумани бадиий жамоаси айни кунларда катта ашула ижрочиларининг республика кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

М. ЭШОНҚУЛОВ

БЕРУНИЙ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

«АМИР ТЕМУР ТАРИХИ» — МУҲИМ МАНБАЪ

Умумбашарият тарихида «буюк» ёки «майда» халқ йўқ; ҳар бир халқ эртами-кечми тарих жараёнига бир дурдона бўлиб қўшилган. Бу — далил талаб қилмайдиган ҳақиқат. Яна шу нарса равшан ва аёнки, у ёки бу халқ тарихининг оламшумул аҳамият касб қилишида муайян тарихий шахснинг роли бор. Мана шундай шахслардан бири — Амир Темурдир. Марказий Осиё халқларининг тарихида бутун бир давр унинг исми билан боғлиқ эканини ҳеч вақт инкор қилиб бўлмайди.

Айни вақтда Амир Темур шахси шунчалик серқирралики, унга бир томонлама ёндашиш ҳам мумкин эмас. Фараз қилинг-а: Амир Темур замонида қанча адабий тил мавжуд бўлса, унинг исми шунча тилда зикр қилинган. Улар бебаҳо, асл манбалар. Бахтимизга, бу даврга оид араб ва форс тилларида яратилган кўплаб манбалар бизгача етиб келган. Аток-ли шарқшунос, академик В. В. Бартольд таъбири билан айтадиган бўлсак, Амир Темур даврини ўрганишга бел боғлаган тадқиқотчи, манбаъларнинг озлигини эмас, уларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади.

Минг таассуфки, забардаст олимлар В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, А. А Семенов, И. М. Мўминов, Б. Аҳмедов, А. Ўринбоевлар бошлаган хайрли ва машаққатли иш собиқ шўро замонининг кейинги ўн йилликларида ҳар хил сабабларга кўра ғоятда сусайиб қолди. Бинобарин, Мустақиллик шарофати билан Амир Темур ҳазратлари ўз тарихий мақомларига тўла эга бўлаётганлиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Ҳозирги кунда Амир Темур даври тарихини муфассал ўрганиш учун жуда катта манбашунослик ишларини олиб бориш керак. Маълумки, шу кунгача озми-кўпми тадқиқ қилинган манбалар, асосан, форсийзабондир. Бу соҳада ҳали бутун бир «очилмаган кўриқ» турибди. Гап шундаки, XIV — XV асрларда яшаб ижод қилган Ибн Халдун, ал-Мақризий, Ибн Дуқмоқ, Ибн Арабшоҳ, Ал-Асқалоний, ас-Сахофий, Ибн Тағриберди, Ибн Ийёс каби араб тарихчиларининг кўп жилдли асрларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид саҳифалар кўплаб учрайди. Уларнинг ичида фақат Ибн Арабшоҳ тўлиқ Амир Темурга бағишланган араб тилидаги яккаю-ягона китобнинг муаллифи ҳисобланади.

Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» (у қисқача «Амур Темур тарихи» дейилади) деб номланган бу китоби шу жиҳатдан қимматлики, унинг муаллифи 1401-1408 йиллари Самарқандда истиқомат қилган, яъни ўша давр воқеаларига нисбатан «шоҳидулъайн» ўз кўзи билан кўрганлардандир. Бундан ташқари сарой тарихчиларидан фарқли равишда Ибн Арабшоҳ берган маълумотлар баъзи ҳолларда «аччиқ ҳақиқат»ни ҳам ўз ичига олади. Тўғри, Ибн Арабшоҳ Дамашқдан Самарқандга олиб кетилганлардан бўлгани учун унда «аламзадалик кайфияти ҳам йўқ эмас эди, албатта. Айтишларича, «Ажойиб ал-мақдур...»нинг «аччиқ» тили Ибн Арабшоҳнинг кўпгина замондошларига ҳам манзур бўлмаган. Ҳатто чиройли мазмунда ижод қилишга қодир эканлигини исботлаш учун Ибн Арабшоҳ кейинчалик Миср султони Зоҳир Чақмоққа (1438-1453) бағишлаб мадҳия ёзган, дейишади. Тақдир ажойиботини қарангки, худди шу султон амри билан Ибн Арабшоҳ 1450 йили зиндонга ташланади ва кўп ўтмай вафот қилади...

Шуни таъкидлаш керакки, муҳим тарихий манба сифатида «Ажойиб ал-мақдур...» қатор Оврупо тилларига аллақачонлар таржима қилингани ҳолда Марказий Осиё халқлари тарихига оид бу муҳим асарнинг ва ўзбек ва на собиқ Иттифоқнинг бошқа бир тилига ўгирилмаганлиги ажабланарли ҳол эди.

1992 йилда нашр этилган Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» асарининг ўзбекча тўлиқ таржимаси ва унга битилган муфассал изоҳлар, муаллиф ва асар мазмуни билан боғлиқ мукаммал тадқиқот, шунингдек, бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олган. Буларнинг ҳаммасини заҳматкаш арабшунос олим Убайдулла Уватов бажарган. У. Уватов бу ишни бошлаганига ўттиз йил чамаси бўлди. Тадқиқотчи «Ажойиб ал-мақдур...» нинг араб тилидаги замонавий нашрлари билан чегараланмай, унинг мавжуд қўлёзмаларини Қоҳира ва Боғдод кутубхоналаридан излади; Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ва-л-васоиқ ал-қавмия» кутубхонасида сақланаётган Ибн Арабшоҳ ўзи ўқиб чиққан қўлёзма нусхасидан микрофильм олишга ҳам эришди, «Ажойиб ал-мақдур»да келтирилган тарихий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий воқеаларни шарҳлашда тадқиқотчи араб, форс ва Ғарб тилларида ёзилган қатор манбалар ва тадқиқотлардан ҳам унумли фойдаланган.

«Ажойиб ал-мақдур...» тилининг нақадар мураккаблигини барча шарқшунослар эътироф қиладилар. У. Уватов уни ўзбек тилига таржима қилиш учун бир неча йил тинимсиз меҳнат қилган.

Ҳеч шак-шубҳасиз, У. Уватов амалга оширган бу йирик иш шарқшунослар, тилшунослар ва умуман, ўзбек зиёлиларию кенг жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди, ўлкамиз тарихини тадқиқ қилувчилар учун эса у муҳим манъба ролини ўйнамоқда. Бинобарин, арабшунос У. Уватов томонидан амалга оширилган ушбу йирик тадқиқот Беруний номидаги давлат мукофотига тақдим этилиши таҳсинга лойиқдир.

Н. Иброҳимов, ЎзР ФА мухбир аъзоси,
А.Ҳасанов, тарих фанлари доктори

ХХ аср бошларида маърифат, адабиёт, маданият майдонига дастлабки қадамини ташлаб, тез орада катта обрў-эътиборга эга бўлган зиёлиларимиз қатламига мансуб буюк аждодларимиздан бири Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли Беҳбудийдир. Биз Беҳбудий ҳазратларини ўзбек ва бутун Туркистон халқлари маданиятининг буюк вакили сифатида эндигина — фақат истиқлол шарофати билан тўғри баҳолашга киришдик. Чунки Беҳбудий туркий халқлар орасида ХХ аср бошларида етишган дастлабки истиқлолчи шахслардан бўлиб, ўзининг бутун ҳаёти-фаолиятини мустамлакачиликка қарши — миллий мустақиллик учун курашга бағишлаган буюк бир сиймо бўлгани сабабли қизил империя унинг номини қарийб ярим аср давомида тилга олишга йўл қўймади... Беҳбудий маҳаллий буржуазия манфаатларини ҳимоя қилган — шўро тузумига ёт кимса деб, шаънига турли уйдурма тамғалар босиб келди... Ваҳоланки, Беҳбудий бутун Турон эли халқларини маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатган ва шахс сифатида маданиятимиз ва маънавиятимизда ўчмас из қолдирган.

Абу Али Ибн Сино, Беруний ва бошқа аждодларимиз сингари Беҳбудий ҳам ўз даврининг бир қатор илмларини чуқур эгаллади. Тил, адабиёт, математика, жуғрофия, тарих ва бошқа фанлар соҳасида қатор илмий ишлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Бир қатор газета ва журналлар ташкил этди, китоблар, хариталар босиб чиқарди, босмахона, мактаблар очиб маърифат тарқатди...

* * *

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йил март ойида Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида туғилди. Отаси имом бўлиб, илм-маърифатга ихлосманд эди. Беҳбудий ота томонидан бобоси бўлмиш Солихўжа узоқ насл-насаби жиҳатидан — Хўжа Аҳмад Яссавийлар авлодига бориб тақалади. Она томонидан эса, бобоси Ниёзхўжа XII аср ўрталарида Амир Шоҳмурод томонидан Урганчдан Самарқандга келтирилган ва умрининг охиригача қорилик билан яшаган одам эди.

Ўрислар Самарқандни босиб олганда Беҳбудхўжа ўз оиласи билан Сиёб бўлисидаги Бахшитепа қишлоғига кўчади ва Маҳмудхўжа шу ерда дунёга келади. У 6-7 ёшларида тоғаси — Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида савод чиқаради. Кичик тоғаси — Мулла Одил унга араб тили ва грамматикасини ўргатади. Шу йилларда Маҳмудхўжа Жомийнинг «Шарҳи мулло» асари билан танишади. Шундан кейин илмга тобора ҳаваси ортиб, мантиқ, фиқҳга оид — «Шамсия», «Муҳтасар ал-виқоя», «Ғошия» сингари асарлар ва ҳисоб илмини ўрганади.

1893 йилда Беҳбудийнинг отаси вафот этади. Шу йилларда тоғаси — Муҳаммад Сиддиқ Чашмаоб қишлоғида қозилик қилар эди, жиянини ёнига олиб, мирзоликка тайинлайди. Вазифасини ҳалол бажаради, ишонч қозонади. Қозихонада ишлаб туриб, шариат қоидаларини чуқур эгаллайди. Халқ манфаатини шариат қонун-қоидаларига мувофиқ ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатади. Замонавий илм ҳосил қилган илғор, билимдон уламо бўлиб етишади. Кўп ўтмай Маҳмудхўжа муфтийлик лавозимини эгаллайди. Шундан бошлаб уни муфтий Маҳмудхўжа деб аташади. Ўз фаолиятида камбағал, бева-бечораларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларга ён босади...

Беҳбудий мадрасада ўқийди, аммо уни битирмасдан, ўзи шахсий мутолаага киришиб кўпроқ илм олади. Эҳтимол отаси вафотидан кейин у мадрасани тарк этишга мажбур бўлгандир...

Беҳбудий 1899, 1900 ва 1914 йилларда Шарқ мамлакатларига саёҳат қилади, қатор китоблар, илмий-назарий, публицистик мақолалар ёзади. Ҳар бир асарида замонанинг долзарб мавзуларини кўтаради, таҳлил қилади, хулосалар чиқаради. Ижодий маҳсулининг ҳаммаси Туркистон халқларини маърифатли қилиш, ўзлигини таниб олишга кўмаклашиш, миллий мустақиллиққа эришмоқ ғояларини сингдиришга қаратилади. Беҳбудий ўз ҳовлисида мактаб очиб, ёшларга илм-маърифат тарқатади. Босқинчилар уни кўпинча таъқиб этиб, уйини тинтув қилишарди. Шундай кезларда Беҳбудий жуғрофия, тарих, ҳисоб ва бошқа китобларини молхонадаги охурларга яшириб сақлаб қоларди. Шундай вазиятларда ҳам Беҳбудий ўз мактаби, кутубхонаси, ўқувчилар ва атрофдаги зиёлиларни илмий, адабий, ижтимоий-сиёсий китоблар билан таъминлаб турди. Чет элларга чиққанда ҳам кўплаб турли-туман китоблар олиб келарди. Сафарларидан бирида Мисрдан сотиб олган бир қанча китобларини тамғаҳонадан ўтказолмай қолдириб келганини замондошлари эслашади. Беҳбудий ва умуман жадидлар барча мақсадларини фақат маърифат воситасида амалга оширишни кўзлар эдилар. Улар миллий мустақиллик учун мустамлакачиликка, жаҳолат, зулмат ва қолоқликка қарши курашда илм-фанга суянадилар. Шунинг учун ҳам бутун фаолиятларини мактаб, маориф, диний, табиий илмларни ривожлантиришга қаратганлар.

* * *

Миллий манфаатларни кўзлаб маърифатга алоҳида аҳамият берган Беҳбудий ўз фаолиятини чор Россиясининг босқинчилик сиёсати авжга минган даврда бошлади ва бу фаолиятини октябр тўнтаришидан кейин ҳам узлуксиз давом эттирди. 1918 йилда Тошкентга келиб Туркистон республикаси ишларида иштирок этади. Қонун ва ҳужжатлар низоми лойиҳаларини тайёрловчи халқ комиссарияти фаолиятида қатнашади. Шунда давлат тили масаласи ҳам кўрилади. Беҳбудий мазкур масалага ғоят жиддий эътибор беради:

...Туркистон ўлкасида халқни(нинг) кўбраги ўзбек, қирғиз, қозоқ ҳам туркман халқларидан иборат. Бошқалар бўлса-да, оз. Биноан алайҳ, ўзбек (сартия) учун ўзбек тили, қирғиз, қозоқлар учун қозоқ тили, Туркманистон учун туркман тили (баъзи шевалари) расмий тил саналарга тейиш...» («Улуғ Туркистон», 1918 й., 27 июл).

1918 йилда Самарқандда Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси тузилганда Беҳбудий унинг маориф ишларига раҳбарлик қилади. Янги мактаблар тармоқларини янада кенгайтириди. Ўқув режалари дастурини тузиш, янги дарсликлар, қўлланмалар яратиш, ўқувчилар тайёрлаш курслари очиш ишларини жонлантириб юборади. Илм, маърифат, маданиятни ривожлантириш муаммоларига бағишлаб бир неча юзлаб мақолалар ёзиб эълон қилади. Беҳбудий қаламига мансуб дарслик ва қўлланмалардан баъзиларни санаб ўтамиз: «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий жуғрофия»), «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом», «Мадҳали жуғрофияи умроний» («Аҳоли жуғрофиясига кириш»), «Мухтасари жуғрофияи русий» («Русиянинг қисқача жуғрофияси») ва ҳоказо.

«Беҳбудий нашриёти»ни ташкил этиб, унда бир қатор дарсликлар, «Туркистон, Бухоро ва Хива харитаси»ни босиб чиқаради. 1912 йилда ёзган «Падаркуш» пиесаси илм, маърифат, мактаб-маориф ва умуман таълим-тарбия масалаларини кескин қилиб қўйгани учун томошабинларнинг барча табақалари эътиборини жалб этади. Тошкент, Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган, Каттақўрғон ва бошқа шаҳар, қишлоқ театр труппаларида узоқ йиллар давомида саҳнадан тушмади. Шу билан бирга ўзбек адабиётида миллий драматургиянинг ривожланишига таъсир кўрсатди.

ХУРРИЯТ ТУРОН ЕЛҚИНИ

Беҳбудий 1913-1914 йилларда «Самарқанд» газетасини, яна шу йилларда «Оина» журналини тахрир қилади ва нашр эттиради. 1918 йилда бошланғич синфлар учун «Янги ҳисоб» дарслигини ёзиб ўз нашриётида чиқаради. 1919 йилда Беҳбудий Шаҳрисабзда Бухоро амири амалдорлари томонидан жадид ва большевикларнинг жосуси деб қамоққа олинади, икки ойдан кейин Қарши беги — Тоғайбек томонидан қатл этилади.

* * *

Беҳбудийнинг миллий мустақиллик учун курашдаги буюк жасоратини таърифлаш ва улуғлашга сўз топиш қийин.

Чор Россияси мустамлакачиларининг XIX аср ўрталарида Туркистонга қилган босқинчилиги дастлабки кунларданоқ халқимиз бошига жуда оғир кулфатларни сола бошлади. Туркистон ўша вақтдаёқ Россиянинг хом ашё заминига айлантирилди. Туркистонга темир йўл қурилди. Қишлоқ хўжалигидан чиқадиган пахта, пилла, чорва, мева-чевадан тортиб ҳаммаси — ташиб кетиларверди. Туркистон халқларининг тили, дини, миллий қадриятлари, урф-одатлари, тарихи, маданияти, миллий ҳис-туйғулари, ифтихори оёқ ости қилинди. Энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозиргача мавжуд бўлган маънавий меросимиз — нодир қўлёзмалар, китоблар, тарихий ёдгорликлар ташиб кетилди.

Мустамлакачилик сиёсати туфайли рўй бераётган воқеа-ҳодисалар — жадидчилик ҳаракатини шакллантирди, бинобарин, бу ҳаракат жадал ривожланиб кетди. Унга ёш зиёлилар, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, ҳуқуқшунослар, матбаачилар, ҳуллас, илғор фикрли барча табақа вакиллари — ўқимишли, саводли савдогарлар-у, бошқа касб эгаларигача қўшиларди. Зотан аҳолининг айни шу қисми ҳаётни, воқеаларни, миллий мустақиллик ва қарамликни фалсафий таҳлил эта олар, ўз халқи, миллати, ватани мустақиллигини, моддий ва маданий тараққиётини тўғри идрок этарди. Туркистон зиёлиларининг шу даврдаги энг илғор намояндаларидан Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Беҳбудий, Фитрат, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Ғози Юнус ва уларнинг сафдош-ҳамфикрлари жадидчилик ҳаракатининг пешқадамлари бўлдилар... Беҳбудийнинг майдонга чиқиши ана шундай ижтимоий вазиятга тўғри келди. Мазкур ҳаракатнинг етакчиси даражасига кўтарилди.

* * *

Беҳбудий ёшлар таълим-тарбиясида майда-чуйда баҳоналар билан ишга халақит берадиган одамларнинг қилмишларини ўрни келганда қаттиқ фош этиб туради. Миллий маҳдудлик билан миллатни севиш ўртасидаги фарқни чуқур изоҳлаб беради. Миллий урф-одатларни ҳимоя қилиш баҳонасида миллий чекланишга бориб қолишдан сақланишни уқтиради. Ёшларнинг кийинниши, баъзи безарар янгиликларга интилишларидан чўчимасликни алоҳида таъкидлайди. «...Энди келайлик жузъий ташаббуҳлар масъаласигаким, бу: курси (стул)га ўтурмоқ, қошиқ ва чинакча (вилка) истеъмол этмак, медал тақмоқ, ҳавонинг иссиқлиги учун бош яланғоч ўтирмоқ каби шайлардан иборатдур. Агар бу жузъий ташаббуҳлар ила-да киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур...» Зеро, ҳар бир бўлар-бўлмас гаплар билан динни пеш қилавериш ва уни бузиб талқин этиш таълим-тарбия, жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатишини изоҳлаш ва унга қарши кескин кураш олиб бориш ҳам Беҳбудий назаридан қочмайди. Бу соҳада айниқса миллий урф-одатлар орасидан ҳам илғор нуқталарини ажратиб олиб, ёқлаш, ортиқчаларинианҳамиятсизларини йўқотиш ҳам янгиликни ривожлантириш учун зарурлигини Беҳбудий идрок этади, уларнинг тафовутини ажрата билишга даъват этади.

«...Замонанинг меҳвари ила баъзи расм ва одатлар доимо ўзгариб турадурки, — деб ёзади у, — бу ўзгариш бобомиз Одам замонидан бери воқе бўлиб келмоқдадур... Расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлғонидек, ёмон ва зарарлиси ҳам мутлақо бордур. Чунончи, бурунғи замонда исрофли тўй ва аза ва базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди, сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турибмиз...»

Беҳбудий тараққиётга, янгиликка, айниқса, усули жадид мактабларига ёшларни жалб этишга қарши чиқувчиларни фош этишда тарихий манбалар, энг муҳим диний ақидалар заминида ўз фикр-мулоҳазаларини чуқур асослаб беради. Бу борадаги даъволарини изоҳлашда — Шарқ мамлакатларида катта обрў-эътиборга эга бўлган Миср муфтиси — машҳур олим Муҳаммад Абдо фатвосидан далиллар келтириб шундай дейди: «...Мақсадимиз шариат нуқтаи назаридан кийим ва ташаббуҳ масъаласини баён этмак эди... Ишлапа ва шапка, овруўпо кийимларини киймоқ, шариъати исломча, ҳеч бир зарарлик иш эмасдур. Мунга инкор қилувчилар суннати Расул, тарихи умматдан хабарсиз одамлардур...» Беҳбудий келтирган далилларда яна шундай маълумотлар бор: мазкур олим (Муҳаммад Абдо) таъкидлашича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва саҳобалар турли мамлакатларга борганларида шу жой туб аҳолисининг кийимларини кийганлар. Жумладан, улар румликларнинг жандасини ва бошқаларнинг миллий кийим-бошларини кийиб юрганларини эслатади. Бу ерда гап жамият тараққиёти учун зарур бўлган ҳар бир янгилик, ўзгаришга ижодий ёндошиш ҳақида боради. Ҳаёт ўз йўли билан борар экан, унга муносабат — ҳар бир шахсдан катта билим ва ақл-идрок талаб этишига эътиборни тортади.

Ижтимоий ҳаёт муаммоларига тўхталганда, Беҳбудий Туркистон халқларининг Россия томонидан босиб олиниши сабабларига ўз кўз қарашларини изчил баён этади. Сабабларнинг бошига ноаҳиллик, бошбошдоқликни қўяди. Тарафкашлик, манфаатпарастлик, маданий-маънавий савиянинг пастлиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмаслик қарамликка солди, дейди. Бу нуқсон ва зиддиятларни илм-маърифат, маданий ривожланиш воситасида йўқотиш мумкин деб ҳисоблайди. Бу асли жадидчилик ҳаракатининг бутун маърифий ва сиёсий негизидан келиб чиқарди.

Жадидчилик ҳаракати маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиш билангина чекланмаган. Жадидчилик асос-эътибори билан жуда катта сиёсий мақсадни олдига қўйган ва йирик сиёсий оқим сифатида ижтимоий тузумни демократик заминда ўзгартириш муаммосини кун тартибига чиқарган. Фақат уни ислоҳотлар йўли билан, халқ оммаси онгини маърифат ёрдами билан ўстириш воситасида амалга оширишни кўзлаган эди. Чунки жадидчилик етакчилари 1905, 1914, 1917 йиллардаги ўруш ва инқилобларни бошдан кечирган, большевикларнинг ҳаётни инқилобий йўл билан ўзгартиришга киришганликлари инсоният бошига не-не кулфатлар солганини ўз кўзлари билан кўрганлар ва чуқур тушунганлар. Жадидчилик асли мустамлакачиликка қарши мустақилликка эришишни, мустақиллик эса ривожланган мамлакатларга ҳар жиҳатдан тенглашиб олиш билан таъмин этилишини идрок этдилар. Бу мулоҳазани Беҳбудий шундай изоҳлайди: «...(Бизни) колониал (мустамлакот) қоидаси ила идора этарларки, бунга ўз ихтилофларимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаъниликни қўйиб фанний ила иш қилсунлар. Мен ҳам тезлик тарафдори эдим. Аммо, на чора, бу фикрнинг тарафдори оз. Бас, оҳиста кетишдан бошқа илож йўқ. Катталаримиз ва муаллимларимизга ҳам арз қилурмизким, ёшлардан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан этмокдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак...»

1910 йилларда Туркия, Эрон сингари Шарқ мамлакатларида кучайиб кетган демократик ҳаракатлар таъсирида Туркистонда ҳам жадидчилик ҳаракати ташкилий тусга кирган. Айни шундай вазиятда Беҳбудий миллий мустақилликка эришувнинг йўл-йўриқлари ҳақида мақолалар ёзиб матбуотларда чиқиб туради, ўз ниятларини халқ оммаси онгини кўтармасак, на ҳуррият, на мухториятга эришамиз деган фикрни чуқур изоҳлайди. Бу борада у дунё миқёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ер юзида етакчилик қилаётган сиёсатни ўз ватанига кўрсатмоқда бўлган таъсирини фалсафий таҳлил қилади. Улардан тегишли хулоса чиқариш ва шунга қараб иш олиб бориш масалаларини аниқ тасаввур этган ҳолда ўз мулоҳазаларини баён қилади. «...Бу неъматлар (мустақиллик, ҳуррият, яна бошқа эркинликлар кўзда тутилади. — А. А.) ҳар бир халқни ҳозирлигига қараб берилур. Тўғриси, ҳар миллатнинг ўзини мужоҳид ва мужоҳидаси ила бу неъматларга мойил бўлур. Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, маъюс этар. Бошқа милатлар иттифоқ ила яшаганда биз бир-биримиз ила душманликда турсак, вой бизнинг ҳолимизга...» («Улуғ Туркистон», 1917 й., 12 июн).

Давлатимиз ва миллатимиз бошига тушган барча катта-кичик фожиаларнинг боши — ноиттифоқликда. Пешров зиёлиларимиз ва Беҳбудий буни теран тушунганлар. Ўз даврида туркистонликлар ўртасида рўй берган нифоқларга доим зарба бериб, илғор зиёлилар эл-юртни тотувликка ундар, бусиз ислоҳотни амалга ошириб бўлмаслигини уқдирардилар. Беҳбудий, жумладан, яна шундай дейди: «...Агар биз Туркистон мусулмонлари ҳоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бу кундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсалар... Зиёли ва тараққийпарварларимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватанни ривожи учун хизмат этсак. Агарда биз мухториятни ривожлантиришни ҳоҳласак ва русларга ҳуррият ва ҳамватанликдан бахра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда... аскарларимиз бўлсин... Ул миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз таин қилурмиз...»

Беҳбудий жадидлар ҳаракатининг етакчиси сифатида ўзи илгари сурган ғояларни амалга оширадиган вазиятни қандай вужудга келтириш ҳақида ҳам аниқ фикр айтади. У ёзади: «...Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизни (нг) мажлис муборовотимиз (парламентимиз) бўлсин. Туркистон мусулмонлари ўз шароит ва одатларига... ўз закон ва динларига мувофиқ тириклик қилсунлар. Туркистон яҳудийлари ва бошқа миллатлари мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон қонунлар тузулсун...»

Беҳбудий, Мунаввар қори сингари янги зиёлилар бутун фаолиятларида халқимиз онгига мустақиллик неъматининг буюклигини, у ҳамма тилаклардан юқори туришини сингдиришга интилган эди. Қарамлик инсон учун энг катта, энг даҳшатли, энг фожиали ҳодиса эканини барча мусулмонларга чуқур тушунтириш — улар учун олий мақсад бўлиб қолади. Айни шу йўл билан мустақиллик учун курашга, оммавий равишда ҳаракат қилишга даъват этардилар. Бироқ эркинлик, мустақиллик ўз-ўзидан келмайди, уни курашиб олинишини Беҳбудий ва Мунаввар қорилар чуқур тушунганлар. Мунаввар қорининг 1917 йилда ёзган мулоҳазаларидан бирига эътибор беринг: «Ҳуррият берилмас, олинур» сарлавҳаси остида ёзилган мазкур мақолада чор мустамлакачиларининг Туркистон халқлари бошига солган кулфатлари санаб ўтилади. 1916 йилги қўзғолонлар тарихи, миллий озодлик учун кураш тарзида изоҳланади. Унда шундай жумлалар бор: «Бутун дунёда ҳуррият чилар орасида бир сўз бор: «Ҳуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олиб бўлур. Мана бу жумлалар ҳақиқатга шул қадар мувофиқдурки, ҳазрат Одамдан шул вақтгача ҳеч бир давлат ва мамлакатда ҳуррият нинг берилгани, қон ва қурбонсиз берилгани тарихларда кўрилмайди. Балки ҳар замон ва ерда ҳуррият берилмаган, ҳам кўп қон ва қурбонлар баробаригагина олинган...»

Энди Беҳбудий ҳазратларининг худди ўша — 1917 йил июн ойида «Улуғ Туркистон» газетасида эълон қилинган «Баёни ҳақиқат» сарлавҳали мақоласини кўздан кечирсак, Мунаввар қори билан нақадар ҳамфикр бўлганликларини дарҳол англаб оламиз. Беҳбудий мана унда нима дейди: «Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, диния ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади...»

Ҳар икки буюк сиймо миллий мустақиллик учун кураш ҳақидаги муштарак қарашларини айни октябр тўнтариши кунларида майдонга ташлаганлари билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Демак улар қизил тўнтариш Туркистонга ҳеч қандай ижобий самара бермаслигини ўша йиллардаёқ пайқаганлар.

Беҳбудий ва Мунаввар қори сингари ҳуррият парварларимиз октябр тўнтариши даврида чор мустамлакачилигидан қутулиб олиб, тезда мустақил, демократик бир жумҳурият барпо этиш ниятида бўлганлар. Уларнинг барча маърифатпарварлик фаолиятлари — миллий озодлик, миллий мустақиллик учун фаол курашга даъват этиш ғоялари билан уйғунлашиб кетади. Демак, ижтимоий тузумни ўзгартиришдек ғоят катта сиёсий ҳаракат даражасида фаолият кўрсатадилар. Жадидларнинг илм-маърифат, фан-техникани ривожлантириб, тараққий этган барча мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиш, хурофотга қарши кураш каби барча хатти-ҳаракатлари заминида МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛга эришмоқ ғояси сар асос бўлиб ётади...

Беҳбудий ўз мақсад ва ғояларини акс эттирган талай илмий-назарий мақолалар, китоблар ёзиш билан чекланмай — асримизнинг 10-йилларида Туркистон театрларида кенг тарқалиб, минглаб томошабинларни мафтун этган «Падаркуш» драмасида ҳам даврнинг катта муаммоларини саҳнада жонлантириб кўрсатди. Бу асарда кўтарилган ғоялар кейинчалик кўпгина ёзувчиларнинг асарларида турлича бадиий шаклда, ўзларига хос услубда давом эттирилди. Жумладан, Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» драмаси, «Миллатимга», «Аҳволимиз», «Тўй» сингари шеърлари, «Жувонбоз» ҳикояси, Ҳамзанинг «Янги саодат» ҳикояси, яна бир қатор — маърифатпарварликни тарғиб этувчи асарлар «Падаркуш»дан кейин пайдо бўлди, уларда кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечими — мазкур асарлар ўртасидаги муштаракликни тайин этган деса бўлади. Тилга олиб ўтган асарлар-ку, 10-йилларда яратилган. Ҳатто Фитратнинг 20-йиллар давомида ёзган «Бедил», «Форс шоири — Умар Хайём», «Шайтоннинг танграги исёни» каби асарларида ҳам унга ҳамоҳанг ғоявий мундарижалар давом эттирилди... Инсониятни фожиаларга сургаб борадиган воситалар кўп — улар орасида энг хавфлиси — қолоқлик, жоҳиллик, ундан келиб чиқадиган узоқни кўра билмаслик деган ғояларни ифода этиш жадидчилик ва улар адабиётининг бош йўналиши эди.

«Падаркуш» драмасидаги воқеалар кўлами булар билан чекланмайди. Мустамлакачилик сиёсати туфайли маҳаллий аҳоли ва айниқса ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, умуман маиший бузғунчилик тарқала бошлаганини кўрсатадиган манзараларга ҳам катта ўрин берилади.

Асарда Беҳбудий чор Россияси Туркистонга нималар олиб келганлиги ва ичкиликбозлик, фоҳишабозлик маҳаллий аҳоли ўртасида қандай фожиаларга сургаб келаётганини кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият беради. Томоша охирида Зиёли нималар деганига яна эътибор берайлик: «...Агарда булар ичкилик ичмаса эди, дунё ва охиратда алалабад азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда Бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмликдир...»

Беҳбудий жамият тараққиёти ҳақида қандай муаммоларни кўтариб чиқмасин — ҳаммасида туб асос қилиб оила (ота-она) билан мактаб ўртасида яхши алоқани йўлга қўйиш — ёшлар таълим-тарбиясининг негизи деб билади. Бусиз бола тарбиясини қўнгилдагидек ривожлантириб бўлмасди. Мазкур муаммо ҳамон кун тартибида турган энг долзарб масала эканлиги билан ҳам ўз қимматини сақлаб қолади. Истиқлолимизни мустаҳкамлаш борасида курашларимизда биз бу масалани ҳамиша диққат марказида тутамиз. Ёшларимизни буюк аждодларимиздан қолган маънавий мерос, энг илғор миллий анъаналаримиз заминида, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бундан кейин ҳам биринчи даражали масалалардан бўлиб қолади, уни ҳал этишда Беҳбудий ва унинг сафдошлари маънавий мероси бизга кўмак беради.

Аҳмад АЛИЕВ

Истиқлол — тақдирим менинг

ХАРТУМ ТЎЁНАСИ

Шаҳарнинг чеккароғига чиқиб, «Боғи Бобур»нинг сершуқуқ юксаклигидан қуш бақиш билан қарасангиз, кўз ўнгингизда ажиб бир манзара товланиб воқе бўлади.

Зумрад боғлар — боғларга туташиб кетган, боғлар ва серпарвариш далалар-пахтазорлар, буғдойзорлар, узумзорлар келбатли адирларга ўрлаб боради.

Бу бағри кенг, алп манзарадан кўзингизни узолмайсизу, бу сер-самар боғлар, бу ораста, шинам кўчалар, бу обод мунаввар хонадонларнинг ҳар бирига бир қўниб ўтгингиз, матонатли, тўғрисўз, ўта андишали одамлар билан «хорма — бор бўл» қилгингиз, адирларда буғдойзорлар шовуллашини бағрингизга тўлдиргингиз келади.

Шунчалар жозибадор ва кўркам манзара анчагача хаёлингизни тарк этмайди.

Бутун Андижон тумани, унинг бир-биридан обод ва файзли қишлоқлари худди кафтингизда тургандек.

Шу манзарага бир қараштдаёқ, бу ерларда ўз ақлига ҳоким доно, ишбилармон, корафта; серғайрат одамлар яшаётганликлари, эртаю кеч тер тўкиб ҳалол умргузарлик қилаётганликларини дарҳол сезасиз.

Бунда гузарлар бир-биридан шинам, бир-биридан фаровон. Булар, ҳақиқатдан ҳам, кўзи кўрган ер, оёғи турган масканни обод этадиган кишилар юрти.

Мен ҳам шу юртда узоқ йиллардан бери яшайман. Ўз ерим, ўз Хартум деб аталган тарихий қишлоғимнинг ошиғиман. Шу ерлик одамлар билан ўсдим, ундим, тўққиз ўғил, бир қиз фарзанд кўрдим. Мени тўққиз келинли оқсоқол дейишади. Набираларимнинг қанчалигини-ку, айтмай қўй қолай, яна тири бадавлат одам нега мақтаниб юрибдикан, деб ўйлашмасин. Мендек ўниб-ўсган, ўз юртида яйраган, ўз юртидан ифтихори осмон одамлар камми теварак-атрофимда. Хартумдаги «Исломобод» маҳаллосининг ўзида бундай чин ҳурмат-эътиборга лойиқ кишилар, нуфузли, келин-кеватли, обрўли одамлар, хонадонлар қанчадан-қанча! Санасам, саноғим етмайди.

Нафис анжуманлар

АВЖИ ТАВАККАЛ ЭДИ

1956-60 йил ёз фасли, мевалар асли пишган вақт эди. Хоразм кўчасида жойлашган Радиокомитетга бўш вақтларимда мусиқа ансамбллари машқларини тинглаш учун келиб турар эдим. Кунлардан бирида шу ансамблни тинглаб ўтирган бўғдойранг, хушбичим, ўрта бўйли бир йигитга кўзим тушди. Илгари бу йигитни кўрмаган эдим. Бу йигит Фарғонанинг Қува туманидан экан. Танишдик, исмим Таваккал деди. Шу-шу дўсталашиб кетдик. Ўша йилларда Таваккал Фарғона мусиқа билим юртининг талабаси, қашқар рубобидан дарс олар ва Фарғона мусиқали драма театрига ҳам қатнаб турар экан. Таваккал одобли, хушмуомала, лекин камгап — босиқ эди. Аммо унинг жаранг товуши эшитганни лол қолдирар, айниқса авж пардалардаги сехргар овози эшитувчини дарров ўзига ром қилар эди.

Ҳали Таваккалнинг ашула дастури унча кенг эмасди. Чунки у ҳали бирорта бастакор билан янги қўшиқ, ашула ўрганмаган эди. 60-нчи йилдан бизнинг ижодий ҳамкорлигимиз бошланди.

Мен консерваторияда ўқиб, филармонияда ишлаб юрган чоғларимни эсласам, Таваккалнинг илтимосига кўра, ўзбек халқ қўшиқлари, мақомлари китобларидан нотага олинган сара қўшиқларни пианино атрофига ўтириб ўрганардик. Таваккал Фарғонадан тўғри бизнинг Қози кўча дахасидаги ота ҳовлимизга келиб тушарди. Чалса бўладиган эски пианиномиз бор бўлиб, шу пианинода биз халқ қўшиқларини чалиб ёд олар эдик. Айниқса, «Қўқон ушшоғи», «Самарқанд ушшоғи», «Тошкент ироқи» қўшиқлари ёдимда.

61-йил мен уйландим, Таваккал дўстлари Жалолхон Охунов (марҳум), Йўлдошали, Ғафуржон дойрачилар билан бирга Фарғонадан — Тошкентга тўйга кириб келишди. Тўйга файз тушди. Тўйга келган меҳмонларнинг кўпи санъатчилардан иборат эди. Тўйни Ҳалима опа Носирова очдилар ва Тўхтасин ака Жалилов фотиҳа бериб тўйни ёпдилар. Тўйда ҳофизлар кўп эди, лекин уловни Таваккал олиб кетди. Оташнафас ҳофиз Тошкентдаги энг нуфузли олиму фузалолар, шоиру ёзувчилар тўйларига, юбилейларига ҳамнафас дўстлари билан Фарғонадан учиб келар эдилар ва хизматларини адо этиб, қўшимча ўз ҳисобига поезд ёки самолётга чипта олиб қайтар эдилар.

Мен бу мисолни келтиришим боиси шундаки, баъзи бир ҳофизларимиз хизмат ҳақларини талаб қилиб олмагунларича тўйхонани тарк этишмайди. Зеро Таваккал у тоифа ҳофизлардан эмасди. Одамийлик, одоб-андишани чуқур сезганлиги Таваккалнинг обрўйини янада оширар эди. 60-70-йиллар мен Таваккалга анча-мунча қўшиқлар басталаб бердим, жумладан Завқий шеъри билан — «Бизга салом айлаб келинг», Собир Абдулло шеъри билан — «Қалбимда яшар мехринг» каби қўшиқлар Таваккал Қодиров қўшиқ дастурида узоқ вақтлар сақланиб қолди. Таваккал Қодиров ўша йилларда (60-70) Фахриддин Содиқов, Комилжон Отаниёзов каби машҳур санъаткорлардан энг яхши қўшиқларини ўрганиб, халқимизга тортиқ қилиб, эзгу ниятларга чорлаб, дилларни хушнуд айлаб, ўзига монанд ҳайкал қуриб кетди. Бу жаннати ҳофизнинг руҳи шод бўлсин. Шу хотирамга қуйидаги назмий ёдномани ҳам илова қиламан. Ўқувчилар малол кўрмасалар деган умиддаман.

Таваккал Қодиров ва Саид Аҳмад

ЁДНОМА

Халқ ичидан чақмоқ
янглиғ бўлибдир содир,
Санъат аҳли эъзозлаган
Таваккал Қодир.
Олтин водий
Фарғонанинг булбули эди,
Юлдузлар ичинда ёруғ
юлдузли эди.
Таваккалнинг баланд
авжи таваккал эди,
Қўшиқларга сайқал
бериш устаси эди.
Қўшиқлари камалақдек
ранг-баранг ажиб,
Ушшоқ, Ироқ, Ўхшайдику,
Навбаҳор эди.
Тўю ҳашам анжуманлар беҳофиз ўтмас,
Ҳозир жавоб элга яқин ғуломи эди.
Зўр ҳофизлар қаторидан виқордек бўлиб,
Халқ оғзига тушди кетди зўр ҳофиз эди.
Орамиздан кетди бугун бетакрор ҳофиз,
Ҳасталик келдию қилди жонга тажовуз.
Оташ нафас, булбул бўлиб нола қиларкан,
Шинаванда дилларига нур солар эди.
Менинг азиз қадрдоним бугун йўқ энди,
Тонг отгунча мижжа қоқмай тўқирдик қўшиқ,
Элга манзур қилайлик деб, бугун йўқ энди.
Жисман кетди қадрдоним, қўшиқ узилди,
Кўз ёшларим селдай келиб кўнгил бузилди,
Шогирдларин, мухлисларин доғда қолдириб,
Видолашмай кетди жаннат эшигин очиб.
Худо раҳмат қилсин, дея дўстлари қолди,
Ота қадрин улуғлаган фарзандлар қолди.
Меёрига хўб еткизган қўшиқлар қолди,
Халқ артисти унвонию ўчмас ном қолди.
Соғинтирар энди бизни гул қўшиқлари,
Эл ичида машҳур бўлган дил қўшиқлари,
Сайфи айтар, умрбоқий қўшиқлар қолар,
Довон оша янграйверар зўр қўшиқлари.

Сайфи ЖАЛИЛ

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?..

БИЗ НИМА ҚИЛЯПМИЗ?

Яқинда Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган мушоирада, эндигина Америка сафаридан қайтган Абдулла ака Орипов ўз таассуротларини ёшлар билан ўртоқлашаркан: — Америкаликларга қойилман, — деди. — Эшитганинг бошқа-ю, кўрганинг бошқа экан. Ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилдим: азбаройи америкалик эканликларидан фахрга тўлиб, оддий фуқароларигача эшиклари тепасига миллий байроқларини осиб қўйишаркан. Эл-улус онгига сингдирилиши зарур бўлган энг оддий ишгача Президентимиз айтаяпти, қилаяпти, Бизлар-чи?..

Абдулла аканинг гапларида жон бор эди. Кечқурун ойнаи жаҳон орқали Президентимизнинг Америкалик ишбилармонлар билан кечган учрашувини томоша қилдим: дунёнинг истаган ерига узатса қўли етадиган Америкадек мамлакатнинг казо-казолари, миллатимиз вакилининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб, айтилаётган гапларнинг маънили, лўнда-лўнда ва жонлилигидан завқланиб, давомий қарсаклар билан қарши олаётганларини кўриб қувондим. Яна Абдулла ака айтган сўзни эсладим. Чиндан ҳам... нега бизда миллий ифтиҳор туйғуси кенг шаклланмаган? Биз учун албатта доим кимдир ўйлаши, гапириши ва иш қилиши керакми? Айрим чиқишларда — айтилаётган фикрларнинг аксарияти, худди битта қолипдан қуйилгандек бир-бирига ўхшайди ва сиз уларда ҳаёт учун зарур бўлган жонлилик, ўзига хослик, самимият ва жозибанинг етишмаётганлигини ҳис қиласиз. Ахир, бу йўсинда энг ноёб ва муқаддас тушунчаларни ҳам сафсатага айлантириб, эл-улус кўзи ўнгида қадрсизлантириб қўймаётирларми? Тўғри, бу нарсаларни ҳар ким ўзича тушунади, талқин қилади. Шунинг учун ҳам, хулоса чиқаришга шошилмасдан, мен шу мавзу атрофида турли соҳага мансуб, муҳими, ўзининг мустақил фикри, қараши ва айтар сўзи бўлган кишилар билан суҳбатлашдим.

Раҳмон ҚЎЧҚОР, munaqqid:

— Сиз бекорга хавотирланаяпсиз. Деярли ҳамма соҳада фахрланишга арзигулик кўтарилиш бўлаяпти. Фақат, буни илғаш керак. Хусусан, адабиётимизнинг бугунги аҳволидан қувониш мумкин. Шеъриятимиз шунчалик шаклланганки, ҳозир дунёнинг бирор мамлакатида бу қадар ранг-баранг ва ўзига хос шеърият йўқ ҳисоби. Абдували Қутбиддиннинг охирги достонини ўқигандирсиз... қойил! Шуларни ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилиб очиб берадиган, аҳамиятини ўқувчиларга етказадиган одам бўлмаяптида. Насрга келсак... Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Олим Отахонларнинг ўзи бир дунё. Мурод Муҳаммад Дўстнинг ҳар бир асари ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Жажман»и қўлма-қўл юрибди. Тўпламга кирган «Кўз қорачиғидаги уй» ҳикоясини ўқигандирсиз... бу асар ҳикоячиликда шедеврлардан қолишмайди **(унинг сўзлари мени ҳам тўлқинлантириб юборди).**

Бахтиёр ТЎРАЕВ, «Ҳамза» номидаги Давлат академик драма театрининг бош рассоми:

— Бир томондан ҳақсиз. Куйинишингиз ўринли. Лекин, масалага кенгроқ ёндашиш керак. Мусаввир бўлганингдан кейин, атрофингда содир бўлаётган ўзгаришларни энг майда тафсилотларигача илғар экансан киши. Ҳозир юртимизда оламшумул, келгусида Уйғониш Даври деб эътироф этилиши мумкин бўлган давр кечаяпти. Афсуски, лоқайдлар, тепса тебранмаслар ёки ўз чўнтагини қаппайтиришдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиганлар орамизда бор ва ўшалар бу жараённинг секинроқ кечишига сабаб бўлаётирлар. Агар ҳар бир одам жамиятдаги ўрни, табақаси ва ҳолатидан қатъий назар, виждонан ёндашиб, янги — замонавий ҳаётни яратиш ишига озгинадан бўлса-да ўз ҳиссасини қўшса эди, энг илғор, маданияти юксак мамлакатларга хос фаровон ва гўзал ҳаётнинг тантана қилиши юртимизда тезлашарди. Ўша улкан, яхлит жараён юзлаб, минглаб ҳодисаларнинг ҳосиласи бўлиб, улар орасида театр деган нарса ҳам бор. Театр ҳаётининг ичидаги янада жажжироқ ҳодисалар орасидан эса менинг ҳаётим, ижодим ўрин олган. Таъбир жоиз бўлса, уни яратишга интилиш деб атаган бўлардим. Чунки яралаётган янги давр ва ҳаётда менинг ҳам ўзимгагина хос ҳаётим ва ижодим яралаяпти. Яратиш — бу энг ноёб ҳодисадир мен учун. Балки, миллий ифтихор туйғусининг негизини шу жиҳат ташкил этар?..

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, «Камолот» жамғармаси раиси ўринбосари:

— Мустақилликка эришганимизга беш йил бўлаётганига қарамай илгариги «арзончилик пайтлар»ни қўмсаб турадиган, фикрлаши қотиб қолган, замонадан орқада қолаётган одамларни учратсам, Карим Бахриевнинг бир ташбиҳини эслайман: баъзи қушлар, чиндан ҳам, қафасга ўрганиб қолиб, қўйиб юборсанг ҳам учиб кетмайди. Қафас атрофида ўралашиб, учиш лаёқатини, парвоз гаштини унутиб қўяди. Шунинг учун ҳам, эндиликда ёшлардаги миллий ифтихор туйғусини тарбиялашга алоҳида эътиборимизни қаратишимиз лозим. Бу иш, ўзини ҳурмат қиладиган, ватани, юрти ва шу юрт кишиларини севиб эъзозлай оладиган ҳар бир одам учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Яна бир гап: ишончим комилки, юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ҳозирги кунда ўз кучи, ақли ва имкониятларини қаёққа сарфлашни билмай изланаётган истеъдодли ёшлар кўп. Бирор туғма салоҳияти бўлиб, ҳаёт доирасидаги ўз ўрнини тополмай қийналаётган шунақа ёшлар бўлса, бизнинг ташкилотга мурожаат қилишлари мумкин. Қўлимиздан келганча уларга ёрдам қилишга тайёрмиз. Улар орасидан келгусида миллатимиз фахрига айланиб, тараққиётимизга ҳисса қўшадиган буюк кишилар етишиб чиқиши мумкин...

Шуҳрат СОДИҚОВ, юқори малакали ошпаз:

— Э-з, юракни кенгроқ қилинг, ука. Замонани қаранг, бутун дунёга дарвозаларимиз очилди. Юртдошларимиз чет элларга худди кино ёки театрга боргандек бемалол бориб келишяпти. Шаҳарни айланинг, бозорларга кириб қаранг, одамлар ўзларини қанчалик эркин ҳис қилаётганликларини кўрасиз. Кўчаларимиз қиёфаси гўзаллашиб, одамларимиз замонавийлашиб бораяпти. Яқинда хизмат вазифаси билан Россияда бўлиб қайтдим. Ўз юртимиздан қўймасин экан. Ўзини... ўз қилаётган иши, айтаётган сўзи, ўйлаётган фикри ва ҳаётининг ҳақиқий эгаси деб биладиган, шу ақидага амал қилиб яшайдиган таниш-билишларимга қараб туриб, қувонаман. Фаровон замонамизга, турмушимизга шукроналар қилсак арзийди...

Эркин АБДУРАҲМОНОВ, «Ёш куч» журналининг бош муҳаррири:

— Қайсидир маънода гапингизга қўшиламан. Ҳуқуқ, бурч ва маданий ҳаётдаги савия билан боғлиқ кўпгина масалаларда соддалигимизга борамиз. Лекин, вақт-соати келиб, бизларда ҳам америкаликларникидан қолишмайдиган фаҳм-фаросат шаклланади ва бунинг учун етарли шарт-шаоитлар мавжуд. Фақат, четда томошабин бўлиб турмай, ҳар биримиз ниманидир қойилмақом қилиб бажаришимиз, фаровон, замонавий ҳаётнинг яралишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ахир одамлар... ҳаёт бирданига ўзгариб қолмайди-ку. Фахрланишга арзигулик бирор маҳсулотинг бўлса, албатта яхши. Оммавий тарзда эътибор қозониб турса, ундан ҳам яхши. Ўзингни, қилаётган ишингни жамият учун фойдалилигини, одамларга кераклигини ҳис қилиб яшашнинг завқи бошқача бўлади. Агар чиқараётган маҳсулотинг — масалан, биз журнал чоп этаяпмиз — сифати, савияси билан ярқ этиб кўзга ташланса, баъзи жиҳатлари билан чет эл маҳсулотларидан ҳам қолишмаса, ана ўшанда, ҳақли равишда миллий ифтихор туйғусини истифода этиш мумкин. Демак, бу туйғуни тарбиялаш учун, авваламбор ўзимизнинг одамларга кераклигимизни, жамиятга фойда келтираётганимизни ҳис этиб яшашимиз, аниқроғи, шунақа даражага эришмоғимиз зарур бўлади...

Ҳа. Адабиётимизда, театр соҳасида, ноширлик санъатида эришилаётган ютуқлар, яратишга бўлган интилиш, иштиёқ... истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш... ўз юртимизнинг бегона юртлардан афзаллигини англаб етиш... ўзининг ва қилаётган ишининг жамият учун фойдали, одамларга керак эканлигини ҳис қилиб яшаш зарурати... — буларнинг бари кишини қувонтиради, тўлқинлантиради. Лекин, Абдулла аканинг киноясини эслаб, ўйга толаман. Шу нарсалар етарлимикин — миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш, шакллантириш учун яна нималар қилиш керак? Биз — азиз муштарийлар, бунга нима дейсиз?..

Бахтиёр АҲМЕДОВ,
«МТ»нинг махсус мухбири

«САОДАТ»НИНГ ЯНГИ НАФАСИ

...«Саодат»нинг ҳар бир юракка солиб ўтган уз-у-ун йўли бор. Узоқ ўтмиши бор. Биз унинг шу кунлардаги фаолиятидан сўзлаймиз.

Мана унинг 1996 йил 3-сони қўлимизда. Биринчи бетдаги «Она — ҳаётнинг мувозанат нуқтаси» мақоласида шу кун аёли бўлиш, миллатнинг онаси бўлишлик ҳақида ёзилган. Республикада аёлларнинг яшаш тарзини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя қилиш учун чора-тадбирлар қўлланмоқда. Президентимизнинг «Соғлом авлод учун» орденини тавсия этиши, Вазирлар Маҳкамасидаги хотин-қизлар ишлари бўлимининг «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар ишлари» консепсиясини яратилиши ва шунга ўхшаш бир неча расмий қоидалар, уюшмалар очилишлари ҳам аёлларни меҳнатдан кейинги роҳатларини қайтариб беради.

— «Она ва бола» дам олиш масканлари оналар ва болалар учун, уларнинг келажаги учун хизмат қилишини истаймиз» — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош Вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ўз суҳбатида.

Журналнинг мавзулари кўп. Жамиятнинг барча долзарб муаммолари ҳақида ёзади. Шунинг билан бирга узоқ мозийни ҳам четлаб ўтмайди. Шоҳ боболаримиз ёнида маликаи даврон бўлиб яшаган момоларимиз ҳақида ҳам сўз боради. Темурий маликалар деганда кўз олдимга назокатли аёлдан бўлак, чапдаст, жасур Тўмарис тимсоли янглиғ аёллар кела бошлайди. Асрларни енгиб келган бобомиз Темур хонадонидаги маликалар ҳам салтанат ярмини тўлдириб турган чоғи. «Саодат» журнали ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод қилишни ҳам ўзининг савобли ишлари чамасида деб билади. Халқимизнинг буюк фарзанди Файзулла Хўжаев ҳақида «Долғали ҳаёт лавҳаларини» яратди.

«Саодат» ўз бағридан учирма қилган ўнлаб ижодкорлар шу кунларда шеърият гулшанига безак бераётир. Шундай ижодкорлардан Ҳалима Аҳмад ўзининг шеърлари билан ушбу сонда иштирок этган. Шоиранинг маъюс, аммо ажойиб ғурурсиз мағрурлик ҳислари билан ёзилган ошиқона шеърлари дилингизни соҳираликка етаклайди.

«Суюнчи» саҳифасида шеърлари билан иштирок этган Мухтасар Тожиматова шеърларида ажиб бир илиқлик, ажиб бир умид бор.

Ойноманинг «Қизларжон қизлар» саҳифаси мухаббатга лиммо-лим қалбларнинг насимини улашади. «Кўнгилдан кўчирмалар» ажойиб шоира Замира Эгамбердиеванинг ишқий қатралари кўнглингизни севги оламига етаклайди.

Ойнома энди турмуш остонасига қадам қўяётган қизларга ўз маслаҳатларини беради. «Минг бир маслаҳат» саҳифасида эса минг бир ташвишингизни аритиб юборгулик даво топасиз.

Чет эл адабиётига ошуфта кўнгиллар ҳам ойнома саҳифаларидаги «Севги мактублари» буюк француз ёзувчиси Волтернинг севгилисига ёзган мактубидан дилига яқинлик топа олади.

Шу куннинг тадбиркор аёллари жамиятнинг энг илғор бўлаги бўлиб қолди. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк тараққиётини ривожлантириш учун хизмат қилаётган бу аёллар ҳақида сўз борар экан шоира Қ. Раҳимбоева тадбиркор аёл Мақсуда Суюндиқованинг савобли ишларини, гўзал хаёлларини тинглаб кўриб унга «чиройли хаёлпараст» деб таъриф беради.

«Саодат»нинг ўз мухлисларига руҳ бергувчи нафаси ушбу янги 3-сонида алоҳида жозиба касб этгандир.

Гулжамол АСҚАРОВА

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Истиқлол элимиз учун тақдирнинг энг улуғ неъмати бўлди. Шу боис ўзбек ўзини, дунёни таниди, дунё Ўзбекистондек ажиб бир ғўшага кўз ташлади. Ўтган қарийб беш йилнинг ҳар бир йили Ўзбекистон ҳаётида ўчмас изини қолдирмоқда. 1996 йил ҳам шундай табаррук ўтмишга айланажагига шубҳа йўқ. Шу йил юртбошимиз ташаббуси билан Соҳибқирон Амир Темур йили деб эълон қилинди.

Серқуёш мамлакатимизнинг ҳар жабҳасида жаҳонгир бобомизнинг 660 йиллик муборак тўйлари кенг нишонланмоқда. Соҳибқироннинг серқирра фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Косон туман халқ таълими бўлими ҳамда Миллий тикланиш демократик партияси Косон туман кенгаши ҳамкорликда ташкил этган илмий услубий семинар-кенгаш ҳам ҳазрат Амир Темур фаолиятига бағишланди. Бу тадбирни Миллий тикланиш демократик партияси Косон туман кенгашининг раиси, туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Ш. Полвонов очди ва «Амир Темур пирлари» мавзуда маъруза қилди. А. Қодирий номидаги ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси О. Дўстмуродова «Бадиий адабиётда Амир Темур тимсоли», овой тоифали тарих ўқитувчиси Э. Остонов «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати» мавзуларида мазмундор маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда туман халқ таълими бўлими методисти Ш. Азизов, халқ таълими бўлими бош назоратчиси М. Ёркулов, мактаб директори Г. Каримовлар сўзга чиқдилар.

С. ЖУМАЕВ

Косон

МУЗЕЙНИ УЙҒОТИНГ!

Маълумки, музейнинг жамият ҳаётидаги ўрни кишиларнинг миллий онгини шакллантиришдаги муҳим аҳамияти билан белгиланади. «Ғафлатда ётган халқнинг онгини уйғотиш учун унинг тарихини уйғотиш керак», — деган эди мутафаккир олим Августин. Шу маънода, музей ҳақиқатан ҳам, тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларини бажарувчи илмий-маърифий муассасадир.

Музейлар дастлаб қадимги Юнонистон, Римда ва кейинчалик Англия, Франсия, Германия, Россия каби мамлакатларда тараққий топди. Туркистонда биринчи музей 1878 йил 12 июлда ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда у Ўзбекистон Республикасининг энг қадимий, тарихий табиат музейи номи билан сақланиб келинмоқда. Узоқ йиллар давомида табиат музейида нихоятда бой ва ноёб коллекция жамланган ва тартибга келтирилган эди. Мамлакатнинг табиат дунёси 4 йирик залда ўз аксини топган бўлиб, музейга кирган одам Ўзбекистон ҳақида улуғвор тасаввурга эга бўлар эди.

Лекин минг афсуски, 1970 йилда тасодифий ёнғин натижасида музей оғир талофат кўрди. Бебаҳо экспонатлар ёниб кетди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон табиат музейини тўла ҳажмда тиклаш учун жиддий ишлар олиб борилмоқда. Эски суратлар, қимматли ҳужжатларга асосланиб, музей заллари қайта тикланди. Янги экспонатлар барпо этилди. Шу тарика ўзининг 100 йиллик тўйи арафасида музей яна очилди. Республика табиат музейини қайта ўз ҳолига келтиришда Маданият ишлари вазирлиги бошчилигида тарихий, санъат музейлари ва Тошкент ҳайвонот боғи ходимлари яқиндан ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистон табиат музейининг аҳамияти кундан кунга ортиб боради. У экологик маданиятни шакллантириш, юртга муҳаббат уйғотишда ўз бебаҳо ўрнига эга.

Табиат музейининг ўзига хос иш-ташвишлари ҳам оз эмас. 120 ёшга тўлган бу маданият, билим ва тарғибот даргоҳини Шарқдаги энг баркамол, қойилмақом музейлардан бирига айлантириш вазифаси кун тартибида турибди. Табиат музейи директори Асқар Ҳайдаров музейни энг юксак замонавий даражага кўтариш муаммолари ичида яшамоқда.

— Музейга 1960 йилда раҳбар этиб тайинланган эдим. Шу кунга қадар ишлаб келяпман, — дейди Асқар Ҳайдаров. — Олдимизда бир талай муаммолар турибди. 1970 йилги фожиали ёнғиндан сўнг қурилган кино зали, қўшимча хоналар ҳозир авария ҳолатида. Қўшимча бинолар илгари омбор бўлган, вақт ўтиб захлаб (подвалдан сув чиқиб кетган), ундан фойдаланишнинг иложи йўқ. Музейнинг ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантиришда нуфузи катта.

Биз ўқувчиларга ўлкани ўрганишларида ўз таъсиримизни ўтказишга қодирмиз. Ишларимизнинг бари ёшларда фикр уйғотишга қаратилган. Ёшлар залларимизни мириқиб томоша қиладилар.

Музейимиз пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида жойлашгани туфайли кўпроқ Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туман мактабларидан тез-тез ўқувчилар келиб туришади. Биз ўз имкониятларимиз билан узоқ туман ва вилоятларга бориб кўчма музейлар ташкил этиб, мактабларда кўрсатамиз, мазмунли суҳбатлар ўтказамиз.

Эски шаҳар кундан кунга обод бўлиб бормоқда. Сағбон кўчаси кенгайди. Узоқ тарихга эга бўлган музей биносини сақлаб қолиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан музейга қўшимча бино қуриш, атрофида боғ, кўкаламзор яратиш ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги бу борада режаларимиздан яхши хабардор. Ўйлайманки, Республика табиат музейи жумҳуриятда энг кўркам, намунали музей бўлади. Агар музей атрофидаги эски ҳовлилар бузилса, музей учун шу атрофдан 3—4 гектар ер ажратилишини сўраймиз. Бу ерда музей мақомига тўла жавоб берадиган, унинг олдидаги вазифаларга мос боғ-музей яратамиз. Умид қиламанки, бу табиатнинг жуда ноёб боғи бўлади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрида «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Бу муҳим тарихий ҳужжат Президентимизнинг маънавиятга кўрсатаётган ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир. Ҳақиқатан ҳам, қарордан сўнг жумҳуриятимизда музейлар қайта таъмирланиб, тартибга солинди. Янги музейлар яратилди. Улар мустақил Республика маданий-маърифий қиёфасини белгилайди. Шулар қатори Ўзбекистон табиат музейи ҳам давримизга яраша эътибор ва маданий нуфузга эга бўлиши керак.

Биз табиат музейи доим барчанинг кўзига ташланиб турсин, меҳмонларга Ўзбекистон ҳақида жонли, таъсирчан ҳикоя қилиб берсин деймиз. Музей ходимлари ва кўпчилик шуни истайди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
музейшунос илмий ходим

Эшагим бор: йўл юрар
дала кезиб ўй сурар

М. НУРИНБОЕВ олган сурат

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0402.
4199 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ
123456